Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-йил чиқиши
№ 148 (12.802)
27 июнь 1964 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

КЕЧА ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ.

СЕССИЯ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1964 йил 26 июндаги мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

26 июнь эрталаб соат 10 да республика Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон ССР олтинчи чақириқ Олий Советининг III сессияси очилди.

Раис столи ёнида — раислик қилувчи Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари депутат А. Р. ХЎЖАЕВ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари депутатлар П. ЕРЖАНОВА, В. И. КОВАЛЬ, Ф. Д. ЎРИНБОЕВА ўтирибдилар.

Олий Совет сессиянинг қуйидаги кун тартибини бир овоздан тасдиқлади.

1. Ғўза парваришини тубдан яхшилаш чоралари тўғрисида. (Бу масала Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан киритилади).

2. Республика меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ташкилий-оммавий ишларининг аҳволи ва бу ишларни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида. (Бу масала Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан киритилади).

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш. (Бу масала Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан киритилади).

Бу масалаларни қараб чиқиш тартиби ва сессия ишининг регламенти ҳам бир овоздан тасдиқланди.

Олий Совет қабул қилинган кун тартибига мувофиқ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси депутат Р. ҚУРБОНОВнинг «Ғўза парваришини тубдан яхшилаш чоралари тўғрисида»ги докладини тинглади. Қардош республикалар ўзаро текшириш бригадаларининг раҳбарлари — Туркманистон ССР Министрлар Совети Раиси М. ГАПУРОВ ва Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Тожикистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри Х. Н. МИРЗОЯНЦларнинг қўшимча докладлари ҳам тингланди.

Доклад юзасидан музокаралар бошланди. Эрталабки мажлисдаги музокараларда депутат Э. Т. ШАЙХОВ (95-Ленин сайлов округи), депутат О. С. ОРАТОВСКИЙ, (388-Хева қишлоқ сайлов округи), депутат Р. Д. ИСЛОМОВА, (280-Каттақўрғон қишлоқ сайлов округи), депутат Г. И. СКОРОБОГАТОВ (216-Тошбулоқ сайлов округи), депутат Б. ОМОНОВ (446-Жончека сайлов округи), депутат Г. И. ҒАНИЕВ (143-Қудаш сайлов округи), депутат М. ҚАНДОВА (322-Вобкент сайлов округи), депутат А. И. РУЦКИЙ (81-Намданак сайлов округи), Қарши ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Х. ҚУЙБОҚАРОВ, депутат И. УСАКОВ (375-Тахтакўпир сайлов округи), «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари Н. И. ФЕРШТАТ қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР олтинчи чақириқ Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

ИЛҒОР ҒАЛЛАКОРЛАРИМИЗ

Мамлакатимиз ғалла омборлари донга лиммо-лим тўлсин, турмушимиз янада фаровон бўлсин, деб ҳар гектар ердан 100 центнердан дон етиштириш ҳаракатига қўшилган Ленинград ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхознинг Мелиқўзи Омонов бошлиқ бригадаси аъзолари шундай ғайрат билан ишладиларки, далаларда ғалла бошоқлари олтин донга тўлди, ҳосил мўл бўлди. Бригада аъзолари 20 гектар майдонда арпа, 17 гектар ерда буғдой етиштирдилар. Ҳозиргача арпанинг ҳаммаси ўриб-йиғиб олинди. Ҳар гектар ердан пландаги 30 центнер ўрнига 47,1 центнердан дон олинди.

Ҳозир бригадада буғдой ўрими бошланди. Буғдой хирмони ҳам баракали бўлмоқда. Гектаридан пландаги 20 центнер ўрнига 40 центнердан дон олинаётир.

Республикамиз иқлим шароити дон етиштириш учун шундай қулайки, суғориладиган ерлардан бир йилда икки марта ҳосил олиш, шу йўл билан ҳар гектаридан 100 центнерли хирмон кўтариш мумкин. Мелиқўзи бригадаси аъзолари эса бу marrадан ҳам ўзиб кетишни мўлжалламоқдалар. Улар такрорий экиннинг ҳар гектаридан 70 центнердан дон олишга аҳд қилдилар. Шу мақсадда арпа ўриб олиниши биланоқ ҳайдов тракторлари ишга солинди. Ерлар ўғитга тўйдирилди ва тез пишар маккажўхори экилди. Ёш ғаллакорлар ўз сўзларининг устидан чиқадилар, албатта. Суратда: бригада бошлиғи ўртоқ М. Омонов.

Суратларда: Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари танаффус вақтида ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

И. Глауберзон фотолари.

КЕЧА СЕССИЯДА

26 июнь эрталаб республика Олий Советининг мажлислар зали депутатлар билан бир қаторда жуда кўп меҳмонлар билан тўлган эди.

Ҳукумат ложаларида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, министрлар ўтирибдилар. КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Н. В. Мартинов, Е. С. Насритдинова, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат И. М. Нажесткин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. О. Азимов, Х. Эргашевлар ложалардаги ўринларга келиб ўтирдилар.

Раислик қилувчи — Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари депутат А. Р. Хўжаев республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбоновга сўз беради. Р. Қурбонов ғўза парваришини тубдан яхшилаш чоралари тўғрисида доклад қилади. Қардош республикалар ўзаро текшириш бригадаларининг раҳбарлари — Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. Гапуров ва Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Тожикистон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри Х. Н. Мирзоянц қўшимча доклад қилдилар.

Халқ вакилларининг нутқлари республиканинг шу юбилей йилида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олган юксак мажбуриятларини бажариш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилиш ва амалий иш кўриш руҳи билан суғорилган эди. Улар кун тартибидаги биринчи масалани муҳокама қилиб, давлатга етти йилликнинг олтинчи йилида 3 миллион 600 минг тонна «оқ олтин» сотамиз, деб Ватанга берган ваъдаларини муваффақиятли бажариш йўлларини белгиламоқдалар. Депутатлар КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг қарорлари асосида колхозлар ва совхозларнинг, ишлаб чиқариш бошқармаларининг, қишлоқ хўжалик, ирригация ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ишларига баҳо бериб, мавжуд нуқсонларни қайтариқа тезроқ ва яхшироқ бартараф қилиш, экинларни яхши парвариш қилиш, юбилей йилида Ватан пахтачилигини ривожлантиришда янги марраларни эгаллаш йўлларини кўрсатиб бермоқдалар. (ЎзТАГ).

ХОЛИС НИЯТ ВА ДЎСТЛИК ВИЗИТИ

ОКСЕЛЕСУНД, 25 июнь. **(ТАСС махсус мухбирлари)**. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари бугун Окселесунд шаҳрига келдилар. Швеция замонавий заводларидан бири «Гренгесберг» компаниясига қарашли металлургия комбинати шу шаҳардадир. Бу компания Совет Иттифоқи билан савдо алоқалари ўрнатган бўлиб, Совет Иттифоқига, жумладан, катта диаметрли қувурлар етказиб бермоқда. Окселесундга Н. С. Хрушчев билан бирга Швеция бош министри Т. Эрландер, юстиция министри Х. Клинг ва бошқа расмий кишилар ҳам келдилар.

Совет ҳукумати бошлиғини «Гренгесберг» компанияси правлениесининг раиси Б. Хаммаршельд, бош директори В. Вальденстрем, шаҳардаги саноат доиралари, губерния ва шаҳар маъмуриятининг раҳбар намояндалари кутиб олдилар.

Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари завод биноси ёнига келадилар.

Металлургия комбинатининг пўлат эритиш цехи, серкавак темир ишлаб чиқариш цехи кўздан кечирила бошланди.

«Окселесунд» металлургия комбинати Швециянинг тугалланган технология процессига эга бўлган замонавий саноат корхоналарининг бири сифатида машҳурдир.

Никита Сергеевич корхона ишлатадиган рудалар таркибида қанча темир борлигини ва руда запасларини Вальденстремдан суриштириб билади. Вальденстрем руда таркибида тахминан 62-64 процент темир борлигини, руда запаслари эса лоақал яна 100 йилга етишини айтади. Шу муносабат билан Н. С. Хрушчев бизнинг мамлакатимизда рудалар бир неча минг йилга кифоя қилишини таъкидлайди ва совет қора металлургиясининг жуда катта муваффақиятларга эришганлиги тўғрисида қисқача гапириб беради.

Корхона кўздан кечирилгандан кейин «Гренгесберг» компанияси СССР Министрлар Советн Раиси Н. С. Хрушчев шарафига нонушта-зиёфат берди.

●

СТОКГОЛЬМ. 25 июнь. **(ТАСС махсус мухбирлари)**. Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари Окселесундда бўлганларидан кейин машиналарга тушиб, Ўрта Швециядаги Юнгарен кўли бўйида жойлашган «Хагбюберг» қишлоқ хўжалик фермасига бордилар.

Окселесунд шаҳридан «Хагбюберг» фермасига келган Совет ҳукуматининг бошлиғи Никита Сергеевични, унинг рафиқасини, бош министр Таге Эрландерни ва уларнинг ҳамроҳларини ферма хўжайини Бенгт Вейбер кутиб олди. У, Н. С. Хрушчевни ўз хўжалиги билан таништирди — ўзининг экинзорларини, машиналарини, сигирларини кўрсатди. Никита Сергеевич пружинали боронанинг қандай ишлаётганлигини, плуг тиркалган тракторни, сеялкаларни, грейдерларни қизиқиб ва диққат билан кўздан кечирди. У, машиналарнинг техникавий жиҳатларини ва уларнинг иши нақадар самарали эканлигини, химиявий ўғитларнинг таркибини, бу хўжаликда молларга қандай озуқалар берилаётганлигини, экинларнинг ҳосилдорлигини батафсил суриштирди.

Пировардида Никита Сергеевич Швециядаги «Булиндер—Мунктель» фирмаси ишлаб чиқараётган транспорт-юклаш машиналарининг баъзи нусхаларини кўздан кечирди.

Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари экинзорларни ва машиналарни кўриб бўлганларидан кейин, Б. Вейбернинг уйига боришди. Вейбер меҳмонларга ўзининг оила аъзоларини таништирди.

Н. С. Хрушчев, Т. Эрландер, бошқа совет ва швед меҳмонлари «Хагбюберг» фирмасидан чиқиб, Швеция бош министрининг шаҳардан ташқаридаги резиденцияси Харпсунд томон йўл олишди.

●

ХАРПСУНД, 25 июнь. **(ТАСС махсус мухбирлари)**. Меҳмонлар тушган машиналар бош министр Т. Эрландернинг шаҳар ташқарисидаги резиденцияси — Харпсундга келди. Уй олдидаги майсазорда швед ва чет эл журналистлари Н. С. Хрушчевни ва Т. Эрландерни ўраб олишди. Улар Совет ҳукумати бошлиғидан саволларга жавоб беришни, Швецияда кўриб олган таассуротларини гапириб беришни илтимос қилдилар.

Никита Сергеевич, бугун мен Окселесунддаги заводда яхши техникани кўрдим, деди. У, Швециядаги қишлоқ хўжалигининг юксак даражада эканлигини қайд қилди. Бироқ, деди Н. С. Хрушчев, Совет Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги ўзининг ташкилий структураси жиҳатидан совет меҳмонлари Данияда ва Швецияда кўрган қишлоқ хўжалигига қараганда анча юқори туради. Совет қишлоқ хўжалиги анча йирик, анча кўп механизациялашган.

Сўнгра Никита Сергеевич, Скандинавия мамлакатларида ҳосилдорлик Совет Иттифоқидагига қараганда ҳали юқори эканлигини айтди. Лекин, деди у, бунинг сабабини билиш учун унчалик донишманд бўлишнинг ҳожати йўқ. Биз етарли равишда ўғит солинган ерлардан Швеция ва Даниядаги сингари ҳосил олмоқдамиз, бунинг сабаби шуки, ўғитларни кўпроқ ишлатиш керак. Ана шунда ҳосил ҳам юқори бўла беради.

Пировардида Н. С. Хрушчев Совет—Швеция муносабатларини муваффақиятли ривожлантирмоқ учун ҳамма асослар борлигини кўрсатиб ўтди.

Ўз-ўзидан бошланиб кетган матбуот конференцияси тугади. Никита Сергеевич журналистлар билан хайрлашиб, уларга муваффақиятлар тилади. Бу ерда тўпланганлар уни қарсаклар билан кузатиб қўйдилар.

Кечқурун Швеция бош министри Т. Эрландер СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев шарафига Харпсундда ғайри расмий зиёфат берди. Зиёфат вақтида бўлган суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

В. ХАТУНЦЕВ,
И. МОКРЕЦОВ,
Д. ЕРШОВ.

СЎЗ — МАШЪАЛ МЕХАНИЗАТОРЛАРГА

ҒЎЗАНИ МАШИНАБОП ҚИЛИБ ЎСТИРАМИЗ

Мамажон ДАДАЖОНОВ,

Марҳамат бошқармасидаги Ильич номли колхознинг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, республикада хизмат кўрсатган механизатор

□ □

Бу йил серқуёш республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллиги нишонланади. Ҳар бир меҳнаткаш ана шу улуғ айёмга муносиб туҳфа тайёрлаш учун курашмоқда. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш, пахтачиликни комплекс механизациялашда ва айниқса ҳосил йиғим-теримини механизациялашда олға қараб дадил қадам ташлаш бу тўйга энг яхши туҳфадир. Биз ана шу мақсад йўлида ғайрат билан меҳнат қилмоқдамиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг яқинда «Машина теримига ҳозирдан шайланинг» деб чиқарган қарорида ҳосили машиналар билан териб олишга ажратилган майдонларда ғўзанинг машинабоп бўлиб ўсишини таъминлайдиган агротехника тадбирлари комплексини амалга ошириш зарурлиги таъкидлаб кўрсатилади. Чиндан ҳам машина теримининг муваффақияти олдиндан қанчалик тайёргарлик кўрилишига, ғўза парваришининг маълум мақсадни кўзлаб ўтказилишига боғлиқдир. Бу ҳақда фикр юритишдан олдин кўп йиллик тажрибага асосланиб шуни айтмоқчиманки, ҳосил қанчалик мўл бўлса, машина ҳам шунчалик унумли ишлайди, чунки кам ҳосилли участкаларда машина 300-400 метр юргач бункер тўлса, серҳосил далаларда 100 метр масофа ўтилгач бункер пахтага тўлаверади.

Баъзи кишилар ҳосил мўл бўлса, уни машина билан териб олиш қийинлашади деб ўйлайдилар. Бу фикрнинг нотўғрилигини бизнинг ўтган йилги тажрибамиз яққол кўрсатиб берди. 1963 йилда бригадамиз 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнердан хирмон кўтарди. Ҳосил мўл бўлганлиги сабабли мен тўрт қаторда ишлайдиган «Пахтакор» машинасида 356 тонна пахта тердим. Мўл ҳосил етиштирганлигимиз, барча ишда машиналарга таянганлигимиз, айниқса ҳосилни ажойиб агрегатда териб олганлигимиз туфайли бир центнер пахтанинг таннархи 15 сўм 47 тийин бўлди. Колхозимиз бўйича эса гектаридан 29 центнердан ҳосил олинди.

Кўриниб турибдики, ҳосил қанча мўл бўлса, терим машинаси шунчалик яхши ишлайди. Баъзи хўжаликларда машина теримига участкаларни кузда, теримга тушиш олдидан ажратадилар. Ажратганда ҳам кам ҳосилли, ғўзаси яхши ривожланмаган участкаларни ажратадилар. Бу нотўғри. Совет конструкторлари яратган ажойиб терим машиналарининг хусусияти шундаки, улар яхши ривожланган ғўзалардаги ҳосилни териб олишга мослашган. Паст ғўзалар шпинделларга илашмай қолади, остки қисмидаги пахта ерга тўкилиб кетади.

Биз мўл ҳосилгина эмас, балки шу билан бирга арзон пахта етиштиришга сўз берганмиз. Ҳар бир агротехника тадбирини амалга оширишда меҳнат ва маблағларни тежаб қолишга эътибор берамиз. Шу мақсадда 60 гектар ерга уруғликни уяларга белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялка билан чигит экдик. Бу билан биз 3500 килограмм чигитни тежаб қолдик. Бунинг устига янги сеялка билан экилган майдонларда чигит тезроқ униб чиқди, бу ерларда ғўзани яганалашга ҳожат қолмади.

Ҳамма майдонда чигитнинг текис униб чиқишини кутмасданоқ ғўза парваришини бошлаб юбордик. Қатор оралари дастлаб кўндалангига культивация қилинди. Бу билан қатқалоқнинг вақтида йўқотилишига, тупроқнинг яхши юмшатилишига эришилди.

Ғўзанинг яхши ривожланиши ва машинабоп бўлиб ўсишида уни вақтида яганалашнинг ҳам фойдаси катта. Баъзи жойларда бу ишга етарли эътибор берилмайди. Биз эса ғўза икки-уч чинбарг чиқариши биланоқ ягана қиламиз. Ҳамма майдонларда яганалашни қисқа вақт ичида ўтказамиз. Яганалаш кечиктирилса, ғўза ёшлигидан нимжон бўлиб ўса бошлайди, бундай ўсимликнинг ўзини тутиб олиши учун анча вақт кетади. Биз ҳар уяда 2-3 тупдан соғлом ғўза қолдирамиз. Шундай қилиб ҳар гектар ерда 85-90 минг туп кўчат бўлишини таъминлаймиз.

Бу йилги шароитни ҳисобга олиб экинни барвақт озиқлантирдик. Ғўзани озиқлантириш культивация билан бир вақтда ўтказилади. Ҳозиргача ғўза қатор оралари узунасига 2,5 марта, кўндалангига 2 марта культивация қилинди. 1,5 марта қондириб суғорилди.

Бу йил мен машина билан 370 тонна пахта термоқчиман. Шунинг учун ҳам ҳамма майдонларда ғўзани машинабоп қилиб ўстираётирмиз. Ҳозир 60 гектар майдондаги ғўза гул кўрсатди, 50 гектар ердаги ғўза эса гуллаш олдида турибди.

Биз чеканкани машина теримига тайёргарлик кўришда энг муҳим тадбирлардан бири деб ҳисоблаймиз. Менимча, ғўза баргининг яхши тўктирилиши, бинобарин машинанинг яхши ишлаши чеканкага боғлиқ. Чеканка вақтида ўтказилмаса, ғўза ғовлаб кетади. Ғовлаган ғўзанинг барги эса яхши тўкилмайди.

Чеканка вақтида ҳосил шохларининг учини чилпиш билан бирга ўсиш шохларини олиб ташлашга ҳам алоҳида аҳамият берамиз. Кўпгина хўжаликларда чеканка вақтида фақат асосий поянинг учигина чилпиб ташланади, ён шохлари эса қолаверади. Бунинг оқибатида ғўза асосий озуқа ва моддаларни кўсакларни етилтиришга сарфламай, бўйига бўй қўшаверади. Терим агрегатлари ишга тушган вақтда эса далада бегона ўт бўлмаса ҳам, барги яхши тўкилмаган, ўсиш шохлари худди бегона ўт каби шпинделларга тиқилиб, пахтани ифлос қилади. Бундай майдонда машина юксак унум билан ишлай олмайди. Биз ғўзани чеканка қилиш вақтида бир йўла бегона ўтларни ҳам юлиб ташлаймиз. Сўнгра агрегатларни ишга солиш олдидан қолган бегона ўтлар йўқ қилиб ташланади.

Маълумки, терим машинаси ғўза ётиб қолган участкаларда ишлай олмайди. Тупроқ чуқур юмшатилса ва ғўза қондириб суғорилса ўсимлик чуқур илдиз отади, ҳосил ҳар қанча мўл бўлса ҳам бундай ғўза ётиб қолмайди. Бунда сувчининг роли каттадир. Айниқса кейинги суғоришда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Бу вақтда кўсаклар етилган ва ғўза тупи оғирлашган бўлади. Шундай пайтда сув нормадан ортиқ берилса, ғўзанинг ётиб қолиши турган гап. Бригадамиз сувчилари эса сўнгги суғоришга жуда масъулиятли, машина терими муваффақиятини ҳал қиладиган тадбир деб қарайдилар.

Сўнгги суғоришдан кейин ғўза қатор оралари юмшатиб қўйилади ва эгат олинади. Ана шу эгатларнинг тўғри, қаторларнинг ўртасидан олиниши терим машинасининг унумли ишлашида катта аҳамиятга эгадир. Агар эгат қийшиқ, баъзи жойларда ғўза тупларига яқин олинган бўлса, бундай қаторлардаги ғўза ҳосилини териб олиш қийинлашади, чунки механик-ҳайдовчи машинани эгат ўртасидан юргизишга уринганн билан, ғилдирак сирғониб эгатга тушиб кетаверади, натижада ғўза туплари шпиндель ўртасидан эркин ўтмай, бир томонига оғади, шпинделлар яхши очилган пахтанинг ҳаммасини ушлаб қололмайди, чаноқлардаги пахта тўкилиб кетади.

Ўқариқларни яхшилаб текислаш, машина қайтадиган жойларни олдиндан ҳозирлаб қўйиш, прицеплар учун майдончалар тайёрлаш — буларнинг ҳаммаси машина теримини муваффақиятли ўтказишда катта аҳамиятга эга. Машина теримига тайёргарлик кўришда ишнинг икир-чикири бўлмайди, ҳаммаси ҳам муҳим.

Бизнинг тажрибамиз ғўза баргини ҳосилнинг етилишига қараб, шунингдек ҳосили машинада териш графигига мувофиқ равишда тўктириш фойдали эканлигини кўрсатмоқда. Маълумки, ғўза баргини тўктириш машина теримига тайёргарлик кўришда ҳал қилувчи тадбирдир. Шунинг учун ҳам ҳамма майдонда баргнинг яхши тўктирилишини таъминлаймиз.

Колхозимизда бу йил ҳосилнинг асосий қисми машиналарда териб олинади. Ўтган йили хўжалигимизда битта комплекс механизациялашган бригада бўлган бўлса, бу йил бундай бригадалар 11 тага етказилган. Улар ҳам ҳосилнинг ҳаммасини машинада териб олишни кўзлаб, ғўзанинг машинабоп бўлиб ўсишини таъминлайдиган агротехника тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Бригадамизда бу йил ҳар гектар ерда 42 центнердан «оқ олтин» етиштирилади, ҳамма ердаги ҳосил машиналар билан териб олинади. Бу — республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллиги тўйига бизнинг совғамиз бўлади.

● ● ● ● ● ● ●

Машина теримини муваффақиятли ўтказиш учун:

✽ Ерни яхши тайёрланг ✽ Ғўзани об-тобида суғоринг ✽ *Чеканкани вақтида, сифатли ўтказинг* ✽ Ғўзанинг ётиб қолишига йўл қўйманг ✽ Эгатларни тўғри олинг ✽ **Дефолиацияни табақалаштириб ўтказинг.**

VI ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Р. ҚУРБОНОВ доклади

Депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР Олий Советининг бу сессияси бутун совет халқи мамлакат қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг КПСС Марказий Комитети декабрь (1963 йил) ва февраль Пленумлари белгилаб берган буюк программасини амалга ошириш учун бениҳоя зўр ғайрат ва баланд руҳ билан курашаётган бир пайтда тўпланди.

Партия Марказий Комитетининг февраль Пленуми қишлоқ хўжалигини интенсивлаш асосида жадал юксалтириш коммунистик қурилишнинг зарбдор фронти, бутун партиянинг, бутун халқнинг иши деб кўрсатди.

Мамлакатни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини химиялаштириш, комплекс механизациялаш, суғориш ишларини ривожлантириш, ихтисослаштириш ва фан ютуқлари ҳамда илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий қилиш асосида ҳосилдорликни кескин суратда кўпайтириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳамма чораларни амалга ошириб интенсивлаш йўли билан ҳал этилиши лозим.

Н. С. Хрушчевнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари раҳбар ходимларининг шу йил 28 февралда ўтказилган кенгашида қилган докладида ва унинг «Партиянинг қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўли билан боғлиқ бўлган баъзи масалалар тўғрисида» 1964 йил 13 апрелдаги хатида бу масалаларни ҳал этишнинг амалий йўллари конкрет мисоллар билан аниқ белгилаб берилди.

Бу йил Ўзбекистон меҳнаткашлари учун ғоят муҳим йилдир. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил топганидан буён 40 йил ўтди.

Ўзбекистоннинг қирқ йиллиги республика меҳнаткашларининг буюк ва қувончли байрами бўлибгина қолмай, ленинча миллий сиёсат, совет халқлари дўстлиги ва қардошлиги тантанасининг ҳам ёрқин намойишидир.

Ўзбекистон меҳнаткашлари 1963 йилда жуда катта ғалабаларга эришдилар. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати уларнинг фидокорона меҳнатига юксак баҳо бердилар. КПСС ленинчи Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табрикномасида Ўзбекистон совет халқлари қардошлик оиласида коммунизм қурилишининг буюк планларини амалга ошириш учун курашда яхши намуна кўрсатди, деб айтилган гаплар ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди ва бениҳоя хурсанд қилди.

Республика меҳнаткашлари юбилей ўтказиладиган шу йилда ҳам олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда меҳнат қаҳрамонлиги намуналарини кўрсатмоқдалар.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш плани беш ой ичида 103 процент бажарилди. Капитал қурилиш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 18 процент ортди. Транспорт ва алоқа ходимлари ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эришдилар. Қоракўл тери тайёрлаш плани муддатидан илгари бажарилди. Тошкент, Сирдарё, Андижон, Қашқадарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР пилла тайёрлаш планини бажариб бўлдилар. Пилла тайёрлаш плани тез орада бутун республикада бажарилади. Тухум ва гўшт тайёрлаш ярим йиллик плани бажарилди. Сут тайёрлаш ўтган йилдагидан анча яхши бормоқда. Колхоз ва совхозларнинг далаларида донли экинларнинг мўл ҳосилини йиғиштириб олиш қизиб кетди.

Аммо, пахта Ўзбекистоннинг коммунизм моддий техника базасини вужудга келтиришга қўшаётган асосий ҳиссаси бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Пахта етиштиришни кўпайтириш — бизнинг энг биринчи интернационал бурчимиздир, чунки ана шу энг қимматли хом ашёни кўп етиштириш совет халқининг моддий фаровонлигини ошириш билан бевосита боғланган.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўзларининг ана шу бурчларини жуда яхши англаб, шу юбилей йилида Ватанга камида 3 миллион 600 минг тонна, шу жумладан Қорақалпоғистон АССР 225 минг тонна, Андижон области 785 минг тонна, Фарғона области 465 минг тонна, Сирдарё области 415 минг тонна, Самарқанд области 345 минг тонна, Тошкент области 315 минг тонна, Бухоро области 315 минг тонна, Сурхондарё области 275 минг тонна, Қашқадарё области 160 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Хоразм областининг пахтакорлари Никита Сергеевич Хрушчевга ёзган мактубларида бу йил ҳар гектар ердан 32 центнер, жами 320 минг тонна пахта етиштириш, шу йилнинг ўзидаёқ областда гектар бошига 30 центнердан кам пахта берадиган хўжалик бўлмаслигига эришиш мажбуриятини олдилар. Хева ишлаб чиқариш бошқармасининг ходимлари бу йил гектар бошига 32,2 центнер пахта етиштириб, давлатга 72 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар. Хеваликлар Ўрта Осиёнинг барча колхозчиларига, совхоз ишчиларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига мурожаат қилиб, уларни суғориладиган ерлардан яхшироқ фойдаланиш учун, пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилишга чақирдилар.

Хоразмлик машҳур пахтакор Искандар Юсупов республика пахтакорларига «Меҳнатда жасорат кўрсатинг» деган хат билан мурожаат қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми маъқуллаган бу хатни пахтакорнинг виждон ва шарафини, унинг юбилей йилидаги интернационал бурчини ифода этувчи мактуб деб аташ мумкин. Ҳаётбахш ватанпарварлик туйғулари билан суғорилган бу хат республиканинг энг узоқ қишлоқларига ҳам бориб етди ва яхши ерга сочилган уруғдек самара бера бошлади.

Қардош республикаларимизнинг традиция бўлиб қолган социалистик мусобақаси пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш учун курашишда катта роль ўйнайди. Традиция бўлиб қолган бу мусобақада халқларимизнинг бузилмас дўстлиги яна ҳам кўпроқ мустаҳкамланади.

Ўрта Осиёдаги мусобақадош республикалар ўртасида пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги 15 июндан 22 июнгача ўзаро текшириб кўрилди.

Сессияда ўзаро текшириш бригадаларининг раҳбарлари қатнашмоқдалар. Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. Гапуров ва қардош Туркманистоннинг бошқа вакиллари Фарғона, Бухоро ва Хоразм областлари колхоз ҳамда совхозларининг далаларида бўлдилар.

Сессияда ҳозир бўлган Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Тожикистон ССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри Х. Н. Мирзоянц Тожикистон ССР қишлоқ меҳнаткашларининг бригадасига бошчилик қилди. Бу бригада Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё областлари ва Қорақалпоғистон АССР колхоз ҳамда совхозлари социалистик мажбуриятларни қандай бажараётганликларини текшириб чиқди.

Андижон областида текшириш ўтказган Қирғизистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бригадасига Ўш қишлоқ область партия комитетининг секретари А. Бўрибоев бошчилик қилди.

Қардош республикаларнинг вакиллари ҳосил учун курашнинг энг масъулиятли пайтида республикамизга келдилар. Бизнинг меҳмонларимиз ютуқларимиз тўғрисида биз билан бирга хурсанд бўлдилар ва айни вақтда бир қанча колхоз ва совхозларнинг далаларида йўл қўйилган хато ва камчиликлар тўғрисида астойдил қайғирганликларини билдирдилар. Бизнинг республикамизга олижаноб, аммо принципиал дўстларимиз келдилар. Улар ишимиз тўғрисида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг аҳволига қараб, партиянинг мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтириш тўғрисидаги қарорларини қандай амалга ошираётганимизга қараб баҳо бердилар.

Ўзаро текширишлар қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларини бажаришга янада кўпроқ сафарбар қилди, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини, шунингдек Тожикистон, Туркманистон юбилейларини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишга ёрдам берди.

Дўстларимизнинг ана шу қардошларча ёрдами учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, республика меҳнаткашлари номидан уларга қизғин ташаккур изҳор қилишга ва Ўзбекистон пахтакорлари ҳаққоний танқидлардан зарур хулосалар чиқариб олиш учун ҳамма чораларни кўрадилар ва бу йил мамлакатга 3 миллион 600 минг тонна пахта бериш юзасидан ўз социалистик мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдилар, деб ишонтиришга ижозат бергайсиз.

Кўкламги экиш — биринчи марра эди. Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мўл ҳосил учун курашда ана шу биринчи маррани эгалладилар.

Республика пахтакорлари об-ҳаво ноқулай келган шароитда чигитни табиий намда нормал ундириб олиш учун ва ғўза тупларининг сийрак бўлишига йўл қўймаслик учун кўп меҳнат қилдилар. Асосий пахта конимиз — Андижон ва Фарғона областлари чигит экишни муваффақиятли ўтказдилар, Тошкент ва Сурхондарё областлари, республиканинг бошқа областларидаги кўпгина ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозлар экишни уюшқоқлик билан ўтказиб, чигитни барвақт ундириб олдилар.

Шу билан бирга айрим ишлаб чиқариш бошқармалари, кўпгина колхоз ва совхозлар техникадан, меҳнат ресурсларидан фойдаланишда юксак уюшқоқликни, механизатор кадрларнинг аҳиллик ва моҳирлик билан қиладиган ишларини табиатнинг стихияли кучларига қарши қўя олмадилар, саросимага тушиб қолдилар. Бу эса чигит экишнинг кечикиб кетишига сабаб бўлди.

Умуман республика квадрат-уялаб экиш юзасидан олган мажбуриятларни бажармади. Квадрат-уялаб чигит экиш планини фақат уч область — Фарғона, Сирдарё ва Андижон областлари бажарди. «Главголодностепстрой» колхозларида квадрат-уялаб экишнинг салмоғи паст эканлигини айтиб ўтиш керак. Бу колхозларда бутун майдоннинг атиги 53 процентига чигит квадрат-уялаб экилди, пахтазорнинг 58 проценти икки томонлама парвариш қилинмоқда, холос. Бунинг натижасида бутун пахта майдонининг қарийб 30 процентини ёввойи ўтлар босиб кетди ва ғўза ўз ривожланишида кечикмоқда.

Бу йил суғориладиган ерлардан тўла фойдаланишга катта эътибор берилди. Фарғона водийсининг пахтакорлари тўлиқ гектарларнинг бўлиши тўғрисида айниқса кўп ғамхўрлик қилдилар. Афсуски, Қорақалпоғистондаги, Самарқанд ва Қашқадарё областларидаги кўп хўжаликлар тўғрисида бундай деб бўлмайди. Бу хўжаликларнинг кўп далаларида йўл ёқалари, карталарнинг бурчаклари ишланмай қолди ва чигит экилмади, тракторларнинг айланадиган майдончалари кенг қилиб қолдирилди.

Бир қанча хўжаликларда, хусусан Бухоро, Сирдарё областларидаги ва Қорақалпоғистон АССРдаги шўрҳок ерларда чигит жуда сийрак униб чиққан, бу ерларда ғўза тупларининг қалинлиги гектар бошига 55-60 мингтадан ошмайди. Ғўзани парвариш қилиш вақтида ғўза тупларининг нобуд бўлишини эътиборга олганда, ўсимликларнинг сийраклиги янада ортади.

Андижон областини текшираётган қирғизистонлик дўстларимиз Задарё ва Валиқчи ишлаб чиқариш бошқармаларидаги колхоз ва совхозларда, шунингдек бошқа бошқармаларнинг бир қанча хўжаликларида ғўза тупларининг сийрак эканлигини таъкидламоқдалар.

Республикада 20 июнгача 105 минг гектар майдондаги ғўза ягана қилинмаганлиги сира ҳам йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Кўп хўжаликлар, хусусан Қорақалпоғистондаги, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё ва Қашқадарё областларидаги хўжаликлар яганалашни кечиктириб юбордилар. Бу эса ҳосилга катта зарар етказади.

Яккабоғ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» ва Энгельс номли, Бекобод ва Бўка ишлаб чиқариш бошқармаларидаги бир қанча колхоз ва совхозларнинг далаларида бўлган тожикистонлик ўртоқлар бир уяда 8-10 тупдан ғўза борлигини аниқладилар. Бу — ҳосилга катта зиён етказади.

Кўп хўжаликлар, хусусан Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё областларидаги, Бекобод, Пахтаорол, Сирдарё, Ўзбекистон, Задарё, Булунғур, Бухоро, Қарши, Термиз ишлаб чиқариш бошқармалари ва Қорақалпоғистон ишлаб чиқариш бошқармаларидаги хўжаликлар шу йил кўкламги қийинчиликларни енга олмадилар. Бу областлардаги ва ишлаб чиқариш бошқармаларидаги колхоз ҳамда совхозларда ғўзанинг ривожи ғоят кечикмоқда.

20 июнгача ҳамма жойда ғўза ёппасига шоналаши ва гуллай бошлаши керак. Биринчи июлгача пахта майдонларининг асосий қисмида ғўза ёппасига гуллаши лозим. Ваҳолонки, 20 июнгача экин майдонларининг атиги 67 процентидаги ғўза шоналаб, гуллай бошлади.

Булунғур ишлаб чиқариш бошқармасида пахта майдонининг атиги 36 процентида, Қорақалпоғистонда эса, бутун майдоннинг 38 процентида иккинчи культивация ўтказилган. Кегайли ишлаб чиқариш бошқармасида пахта майдонининг фақат 4 процентида иккинчи культивация ўтказилган.

Қорақалпоғистонда бўлган тожикистонлик ўртоқларнинг маълумотларига кўра, у ерда мавжуд 4 минг трактордан фақат 2225 таси ишлаётир. Қорақалпоғистон пахтакорлари орқада қолишининг сабаби мана шунда. Тошкент областида ҳар куни уч юздан тортиб тўрт юзтагача трактор бекор туриб қолади. Янгиариқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхозда 16 трактордан 9 таси тез-тез бекор туриб қолаётир.

Культивацияда ишлатилаётган тракторларнинг иш унуми ҳам паст бўлмоқда. Кўпгина хўжаликларда ҳар бир трактор нормадаги 7-8 гектар ўрнига 3-4 гектар ердаги ғўзани культивация қилмоқда.

Культивация суръати паст бўлаётгани устига бу ишни сифатсиз ўтказиш фактлари кўплаб содир бўлмоқда. Кўпинча тракторлар белгиланган қамраб олиш кенглигининг ярмини, баъзан эса 15-20 сантиметрини юмшатаётган экан, бундай аҳволга чидаш мумкинми, ахир.

Поп ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ғаниобод» совхозининг ўртоқ Уринов бошлиқ бригадасида культивация 18-20 сантиметр кенгликда ўтказилмоқда. Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхозда ғўзаларни кўндалангига ишлаш қамраб олиш кенглиги атиги 8 сантиметр ва чуқурлиги уч сантиметр бўлган ҳолда ўтказилди.

Яхши созланмаган культиваторлар билан ишлаш сабабли ғўзаларни нобуд қилишга йўл қўйиш фактлари ҳам бор. Бу эса, ғўзаларнинг яна ҳам кўпроқ сийраклашиб кетишига олиб келмоқда.

Трактор культиваторларининг бекор туриб қолиши ва культивациянинг паст сифатли бўлиши учун кўп жиҳатдан «Узсельхозтехника» органлари айбдордир. «Узсельхозтехника» органлари тракторлар ишини техника жиҳатидан тегишлича контроль қилиб турмайдилар.

Пахтадан мўл ҳосил олишда ғўзани барвақт озиқлантиришнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги маълум. Бироқ, ғўза ёппасига шоналай бошлаб, унинг озуқа моддаларига бўлган талаби айниқса ошиб кетганлигига қарамай, 20 июнгача республикада ўрта ҳисобда 1,4 марта ўғит солинди, Қорақалпоғистонда эса ҳатто биринчи озиқлантириш тугалланганн йўқ. Натижада ғўзанинг ривожланишида бусиз ҳам мавжуд бўлган қолоқлик кучайиб, ерга солинаётган ўғитларнинг таъсири камайиб кетмоқда.

Ўзбекистон шароитида суғориш ишлари мўл ҳосил олишда ҳал қилувчи омилдир. Илмий тадқиқот муассасалари, пахтачилик илғорлари вегетациянинг турли даврларида ғўзанинг сувга бўлган талабини аниқлаш юзасидан катта иш қилдилар. Улар тупроғи ҳар хил бўлган ерларда суғориш муддатлари, сарфланадиган сув нормаси қандай бўлишини ўргандилар, суғориш режимини ишлаб чиқдилар. Аммо, бу тавсиялар ҳамма хўжаликларда ҳам амалга ошириляпти, деб бўлмайди.

20 июнгача республикадаги ғўзаларнинг аксарий қисми иккинчи марта суғориб бўлиниши керак эди. Аслида эса бу йил сув етарли бўлганига қарамай, ҳанузгача атиги 67 процент ғўза бир марта суғорилди. 10 процент майдондагина иккинчи суғориш ўтказилди. Сирдарё областидаги «Пахтаорол» ишлаб чиқариш бошқармасида пахтазорнинг атиги 12,6 проценти, Киров ишлаб чиқариш бошқармасида 18,2 проценти, Задарё ишлаб чиқариш бошқармасида 21,8 проценти биринчи марта суғорилди. Умуман Хоразм областида пахта майдонининг 26,1 проценти, Қорақалпоғистонда эса, 14,6 проценти биринчи марта суғорилди. Бу ҳол сув бўлмагани учун эмас, балки суғоришнинг ёмон уюштирилганлиги натижасида рўй бераётир. Ғўзани «қантариш»дек яроқсиз метод, илғор хўжаликларнинг тажрибалари асосидаги тавсияларни менсимаслик айрим колхоз ва совхозларга ҳаддан ташқари қимматга тушиши ҳамда ҳосилга катта путур етказиб қўйиши мумкин.

Ғўзаларни қишлоқ хўжалик зараркунандалари босиб кетганлиги орқасида республикада ташвишли аҳвол вужудга келди. Қишдаги ва шу йил баҳоридаги об-ҳаво шароити ғўза зараркунандаларининг, айниқса карадринанинг қишдан ўлмай чиқиши, шунингдек барвақт ва тез кўпайиши учун қулайлик туғдирди. Шунга қарамай, кўпгина колхоз ва совхозларнинг, ишлаб чиқариш ва область бошқармаларининг раҳбарлари ҳашарот тушган ғўзаларни ўз вақтида дорилаш чорасини кўрмадилар, бу эса зараркунандаларнинг кенг тарқалиб кетишига сабаб бўлди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва Граждан ҳаво флотининг Ўзбекистон бошқармаси қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш соҳасидаги ишларни ташкил этишда лозим даражада эпчиллик кўрсатмадилар.

Ҳозир ғўза ўз ривожланишининг ҳал қилувчи даврига кирди — ҳосил туга бошлади. Ғўзалар гуллаб, тугунча ва кўсаклар ҳосил қиладиган вақтга саноқли кунлар қолди. Мўл ҳосил тўплаш июнь ва август ойларида ғўза парваришини қандай ташкил этишимизга, бунинг учун колхоз ва совхозларда мавжуд бўлган ишчи кучлари ҳамда моддий-техника воситаларидан нечоғлик самарали фойдаланишимизга боғлиқ бўлади.

Ғўзаларнинг ривожланишидаги қолоқликни июль ойи мобайнида батамом тугатиб, 1 августгача ҳар туп ғўзадан камида 14-16 та ҳосил шохи чиқартириш, зарур миқдорда бўлиқ кўсаклар тўплаб олиш учун ҳамма имкониятларга эгамиз.

Областлар, ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ғўзанинг дастлабки уч бўғимида июль ойида ва августнинг биринчи ярмида ҳосил бўладиган шона, гул ва тугунчаларни тўплаб, сақлаб қолишга ғоят қаттиқ эътибор бермоқлари керак.

Озиқлантиришни ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказиш — ўсимликларнинг ҳаётини бошқариш ва ҳосил тўплашнинг кучли воситасидир. Ғўзани кечи билан 20 июлгача, пахтаси машинада териладиган участкаларда эса 15 июлгача озиқлантириб бўлиш учун ҳамма чораларни кўриш зарур.

Ҳар қайси колхоз ва совхозда ғўзаларнинг оби тобини, тупроқ шароитларини ва сувнинг оз-кўплигини ҳисобга олиб, суғориш планини тузиб олиш, сувчиларнинг группаларини икки сменада ишлайдиган қилиб ташкил этиш, суғориш системаларидаги ва хўжаликлар ичидаги сувдан навбатма-навбат фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилиш, сувни тежаб-тергаб ишлатиш учун кураш олиб бориш, сувни майда-чуйда ариқларга таратиб юбормай, ундан ҳам кечаси ҳам кундузи рационал фойдаланиш керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика колхоз ва совхозларидаги сувчиларнинг ролини, масъулиятини ва моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида 1964 йил 9 июнда қабул қилган қарорида сувчиларнинг меҳнатини тўғри нормалаш ва уларнинг меҳнатига тўғри ҳақ тўлаш, суғоришни ўз вақтида ва юқори сифатли ташкил этишда сувчиларнинг роли ва масъулиятини ошириш кўзда тутилган, фидокорона ишлаётган уста сувчиларни рағбатлантириш тадбирлари белгиланган. Ана шу қарорни ҳамма жойда қатъиян амалга ошириш лозим.

Ғўзанинг ривожланиш даврида тупроқни ишлаш мўл ҳосил олиш учун нақадар зўр аҳамиятга эга эканлигини тажрибали пахтакорлар жуда яхши билишади. Июль ойи мобайнида ҳамма ғўзаларни камида икки марта узунаси ва кўндалангига культивация қилиб, бу ишни суғориш, чопиқ ва эгатлардаги ўтни юлиб ташлаш билан қатъиян боғлаб олиб бориш ҳамда 1 августгача ҳар туп ғўзада ўрта ҳисобда кам деганда 6-8 та бўлиқ кўсак тўплашга эришиш зарур.

Ҳозирги энг муҳим вазифа шуки, мавжуд культиваторларнинг ҳаммасини далага чиқариб, ҳар бир чопиқ агрегатининг серунум ишлашини таъминлаш керак, тупроқни юмшоқ ва сернам, ёввойи ўтлардан тоза бўлишини кузатиб туриш, тупроқнинг ортиқча қуриб қолишига йўл қўймаслик керак, бунинг учун эса ўз вақтида, суғоришдан кейин ғўза қатор ораларига ҳимоя шчитлари ўрнатилган ва ҳамма иш органлари яхши созланган машиналар билан юқори сифатли ишлов беришни таъминлаш лозим.

Барча колхоз ва совхозларда ғўзанинг ҳолатини текшириб чиқиш, орқада қолаётган участкаларни аниқлаш ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг мутахассислари билан биргаликда конкрет тадбирларни белгилаш лозим. Орқада қолаётган ҳар бир участкадаги аҳволни яхшилаб олиш учун бу тадбирларнинг амалга оширилиши лозим.

Етиштирилаётган ҳар туп ғўзани авайлаб сақлаб қолиш бундан буёнги ишимизда энг муҳим вазифа ҳисобланади. Ҳозирги кунда бирон туп ғўзанинг нобуд қилиб юборилиши — ҳосилга ўнглаб бўлмайдиган зиён етказади, чунки ҳозир биз ана шу ғўзанинг ўрнига на қўшимча чигит экиб, на кўчат ўтқазиб тўлдира оламиз. Республика колхоз ва совхозларида қуйидаги тартиб аллақачон ўрнатилган: яганалаш тамом бўлиб, ғўза тупларининг қалинлиги аниқланганидан кейин ҳар бир участка акт бўйича бригада, звено бошлиғига, тракторчига топширилади, ҳар бир парваришдан кейин эса, ғўза тупларининг қалинлиги яна текшириб кўрилади. Ғўза туплари камайган ҳолда айбдорлар қаттиқ жазоланади. Афтидан айрим хўжаликларимизда бу яхши тажрибани қўлланмай қўйишган бўлса керак, бу хўжаликларнинг раҳбарлари ҳар бир ғўза учун масъулият ҳиссини сезмай қўйган бўлса керак. Ҳосилни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан асраш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш зарур. Ҳозирданоқ шошилинч чоралар кўрмасак, ҳосилга катта путур етказиб қўйилиши мумкин.

Меҳнатга қобилиятли колхозчилар билан совхоз ишчиларининг асосий қисмини ғўза парваришига жалб этиб, уларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш керак. Далада ишлаётган тракторчилар, сувчилар, барча колхозчилар ва совхоз ишчиларининг маиший шароитларини яхшилаш учун кескин чоралар кўриш лозим. Дала шийпонларининг ишини яхшилашга алоҳида эътибор бериш зарур. Бизнинг шароитимизда дала шийпонлари колхозчиларнинг чинакам ҳордиқ чиқариш жойи бўлиб қолиши лозим. Республика Олий Советининг ва маҳаллий Советларнинг депутатлари бу ишда катта ёрдам кўрсатишлари мумкин ва лозим. Болалар яслилари ва боғчаларининг ишлаб туришини таъмин этиш, болаларга энг яхши шарт-шароитлар яратиб қўйиш зарур, токи уларнинг оналари ўз фарзандларига ғамхўрлик билан қаралаётганини билиб, далада ғайратларига ғайрат қўшиб ишлайдиган бўлсинлар. Бевосита дала шийпонларида медицина ва савдо-сотиқ хизмати кўрсатиш чоралари кўрилмоғи керак.

Республикадаги барча министрликлар ва идоралар жойлардаги ўз органларининг пахтакорларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларини яхшилаш учун ҳамма тадбирларни кўришлари лозим. Чунки пахтакорлар 3 миллион 600 минг тонна «оқ олтин» учун кураш бораётган зарбдор фронтда жавлон урмоқдалар.

Зўр бериб қилаётган ишимизнинг энг масъулиятли қисми — пахтани териб давлатга топшириш даври яқинлашиб келмоқда. Терим ишларини муваффақиятли ўтказиш аввало, транспорт воситаларини, тош-тарозиларни, йўлларни, асфальтланган майдончаларни, айвонларни, сушилкаларни ўз вақтида тахт қилиб қўйишга боғлиқ. Давлатга пахта топшириш суръати ва сифатини ҳал қиладиган ана шу воситаларни шайлаб қўйишга муайян вақт керак, кун эса ўтиб боряпти. Машина теримига ўз вақтида тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Машина терими юзасидан ўз зиммасига қўшимча мажбуриятлар қабул қилган Сирдарё, Тошкент, Хоразм областлари механизаторларининг ватанпарварлик ҳаракати алоҳида маъқуллашга сазовордир. «Совой» совхозининг коллективи бу йил етиштирилган ҳосилнинг камида 80 процентини машиналарда териш мажбуриятини олди. Ўтган йили етиштирилган ҳамма ҳосилнинг 70 процентдан кўпроғини машинада терган «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, шунингдек «Малик», «Правда» совхозлари, Қўрғонтепа, Киров (Сирдарё области), Янгиер, Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаларининг хўжаликлари комплекс механизацияни кенг қўлланиш йўлига мустаҳкам тушиб олдилар. Улар бизнинг «машъал»ларимиз, республиканинг ифтихоридир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «1964 йилда пахта теримини механизациялашни янада ривожлантириш тўғрисида» яқинда қабул қилинган қарорида республика колхоз ва совхозларининг машинада пахта териш бўйича ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари маъқулланди. Бу мажбуриятга мувофиқ Тошкент области 150 минг тонна, Сирдарё области 240 минг тонна, Фарғона области 75 минг тонна, Андижон области 143 минг тонна, Самарқанд области 65 минг тонна, Бухоро области 45 минг тонна, Қашқадарё области 16,5 минг тонна, Сурхондарё области 52 минг тонна, Хоразм области 100 минг тонна ва Қорақалпоғистон АССР 50 минг тонна пахтани машинада териб олиши лозим. Шундай қилиб, бу йил машина билан жами 936,5 минг тонна пахта териб олиниши керак.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР Чимкент областидаги барча механизаторларга, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, тайёрлаш шохобчалари, ишлаб чиқариш бошқармалари ва «Сельхозтехника» бирлашмаларининг ходимларига машина терими донгдор усталарининг очиқ хати бугун газеталарда эълон қилинди. Улар машина теримига намунали тайёргарлик кўришга даъват этадилар. Бу хат КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг қарори билан маъқулланди.

Бу хат комплекс механизацияни кенг жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш тўғрисида КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларига Ўрта Осиё республикалари донгдор механизаторларининг амалий жавобидир. Хат машина теримига тайёргарлик юзасидан, пахтани машинада териб олиш юзасидан республика ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши учун социалистик мусобақани янада авж олдириб юбориш воситаси бўлиб хизмат қилиши лозим.

Лекин янги пахта ҳосилини қабул қилиб олишга, қуритиш ва қайта ишлашга тайёрлов пунктлари билан пахта заводларини ҳозирлаш лозим даражада авж олдириб юборилмаган. Пахта тайёрлаш трестлари ва пахта заводларининг директорлари усти ёпиқ омборлар ва пахта ғарамланадиган майдончаларни, брезентларни ремонт қилиш ва тахт қилиб қўйиш, тош-тарозиларни ва лаборатория ускуналарини текшириб туриш, қуритиш, тозалаш цехларини, қоп-қанорсиз келтирилган пахта қабул қилувчи-узатувчи механизмлар ва транспортерларни тузатиш, тайёрлов пунктларини кенгайтириш ва уларнинг территориясига ер қўшиш, тайёрлов пунктларидаги ишчилар ва ходимларнинг ётоқхоналари ва уйларини ремонт қилиш соҳасидаги ишларни ҳамда янги мавсумга тайёргарлик кўриш соҳасидаги бошқа ишларни ҳозирданоқ бошлаб юборишлари зарур.

Республиканинг тайёрлаш пунктларида 271 та қуритиш-тозалаш цехи бор. Яна 11 та шундай цех қурилмоқда. Броқ, бу цехларнинг иши қониқарсиз ташкил қилинганлиги кўплаб пахтанинг паст навларга ўтиб қолиши сабабларидан бири бўлаётир. Бу эса давлатга катта зиён етказмоқда. Пахта тозалаш системасида ишлаётган ходимлар қуритиш-тозалаш цехларини мавсум бошлангунча тахт қилиб қўйиш ва уларнинг серунум ҳамда сифатли ишлашини таъминлаш юзасидан бутун чораларни кўришлари лозим.

Бу йил республикадаги тайёрлов пунктларида, колхоз ва совхозларда Биков конструкциясидаги сушилка барабанларини жорий қилиш юзасидан республика пахта тозалаш саноати, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси, «Узглавстрой», Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари олдида катта вазифа турибди.

Тайёрлов мавсуми бошлангунча қолган қисқа вақт ичида тайёрлов пунктларида ана шундай барабанлардан 200 та, колхоз ва совхозларда 100 та тайёрлаш ва ўрнатиш лозим. Фарғона, Қўқон ва Андижондаги машинасозлик корхоналарининг коллективлари ана шу миқдордаги сушилка барабанларининг ҳаммасини шошилинч тарзда тайёрлаб бериш мажбуриятини ўз зиммаларига олишди.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида социалистик мажбуриятларимиз қандай бажарилаётганлигига эътиборингизни қаратиб ўтишимга рухсат бергайсиз.

Аввало, дон масаласини олайлик. Бу йилги шароит дон экинлари учун қулай келди. Ҳамма жойда мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозир лалмикор ерларда ҳам, сувли ерларда ҳам дон ҳосилини ёппасига йиғиштириб олиш кучайтириб юборилди. Кўпгина комсомол-ёшларнинг бригадалари сувли ерларнинг ҳар гектаридан 100 центнер ҳосил олиш учун социалистик мусобақа бошлаб, ҳозирдаёқ гектар бошига 40-50 центнер ва бундан ҳам кўпроқ дон олдилар ва шу кунларда ана шу майдонларга такрорий равишда маккажўхори экмоқдалар. Бироқ, аҳвол ҳамма жойда ҳам шундай деб бўлмайди. Дон экинларини ўриб-йиғиб олиш ва такрорий экин экиш ишлари кечиктирилиб юборилмоқда. 20 июнгача суғориладиган ерлардаги 180 минг гектар донли экинлардан атиги 51 минг гектар майдондаги экин ўриб олинди, атиги 1410 гектар майдонга такрорий экин экилди. Суғориладиган ерлардаги дон экинларини тезроқ ўриб-йиғиб олиш ва 180 минг гектар майдонга яна маккажўхори экишни таъминлаш юзасидан бутун чораларни кўриш лозим. Юбилей йилида давлатга 35,2 миллион пуд дон сотиш юзасидан республика ғаллакорлари ўз зиммаларига олган мажбуриятни шараф билан бажаришлари учун биз бутун кучимизни сарф қилишимиз керак.

Бу йил картошка билан сабзавот ўтган йилдагига қараганда анча кўп ерга экилди. Мана шу экинлардан олинадиган маҳсулотни кескин кўпайтириш учун замин яратилди. Айни вақтда кўпгина колхоз ва совхозлар, ишлаб чиқариш бошқармалари картошка, сабзавот ва полиз экинлари экиш планини бажармадилар. Экинларни парвариш қилиш ва ишлаш ёмон ташкил қилинган. Мисол учун республика Олий Советининг депутатлари К. М. Рустамов ва Т. Наврўзовлар бошчилик қилаётган Вобкент ва Кегайли ишлаб чиқариш бошқармаларини олиб кўрайлик. Ҳар иккала бошқармада картошка экишда ҳам, сабзавот экишда ҳам, полиз экинларини экишда ҳам план бажарилмади.

Ўзбекистонда республика аҳолисининг ана шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришгина эмас, балки мамлакатнинг саноат районларини сабзавот ва полиз экинлари билан таъминлашда ёрдам бериш учун ҳам имконият бор. Мамлакатнинг бу районлари Ўзбекистонга машиналар, минерал ўғитлар ва бошқа материаллар билан катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Ўз мажбуриятларини бажариш — сабзавотчиларнинг шарафли ишидир. Сабзавотчиларнинг бутун куч-қуввати камида 296 минг тонна картошка, 673 минг тонна сабзавот, 550 минг тонна полиз маҳсулоти етиштириб, ўз социалистик мажбуриятларини адо этишга қаратилган.

Республика чорвадорлари гўшт, сут, қоракўл тери, тухум етиштириш ва давлатга сотиш, чорва моллар ва паррандалар сонини кўпайтириш юзасидан юбилей йилида юксак мажбуриятлар олишди. Бу мажбуриятларни бажариш учун конкрет ишлар қилинмоғи лозим. Лекин Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сирдарё чорвадорлари бу йил қишда чорва молларнинг нобуд бўлишига йўл қўйдилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан берилган планлар ва олинган мажбуриятлар кўп хўжаликларда бажарилмаяпти. Гўшт тайёрлаш ярим йиллик плани Қорақалпоғистонда 82 процент, Фарғона ва Андижон областларида 87 процент бажарилди. Республика сут тайёрлаш планини 92,5 процент бажарди. Планни атиги 70 процент бажарган Қорақалпоғистон АССР, 84 процент бажарган Фарғона ва Андижон областлари сут тайёрлашда жуда орқада қолмоқда. Сурхондарё ва Тошкент областлари, шунингдек Қорақалпоғистон АССР тухум тайёрлаш планини бажаришда орқада қолмоқда.

Чорвачиликда асосий вазифа ихтисослаштиришни бутун чоралар билан авж олдириш, чорва маҳсулдорлигини ошириш, мустаҳкам ем-хашак базаси яратишдир.

Олинган мажбуриятларни бажариш ҳамда республика меҳнаткашларини гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари билан етарли миқдорда таъминлаш учун ҳамма чораларни кўриш республика чорвадорларининг шон-шараф ишидир.

Депутат ўртоқлар!

Мен ўз докладимда баъзибир, энг жиддий камчиликлар устидагина тўхталиб ўтдим. Камчиликларнинг ҳаммаси ҳақида бу ерда гапириб ўтиш қийин. Ғўзанинг ҳолати ва уларни парвариш қилишнинг бориши ҳақидаги маълумотлар, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистондан келган дўстларимизнинг текшириш натижалари пахта ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари юзасидан ўз мажбуриятларимизни бажариш соҳасида оғир аҳвол рўй берганлигини кўрсатди. Дўстларимизнинг фикрича, республикада ғўзанинг ривожланиши камида 10-15 кун, кўпгина областларда, ишлаб чиқариш бошқармаларида, колхоз ва совхозларда эса бундан ҳам кўпроқ орқада қолмоқда.

Лекин шуни ҳам ҳисобга олиш кераки, бу йил кўпгина колхоз ва совхозларда пахтазорларга қишлоқ хўжалик зараркунандалари зиён етказди. Андижон ва Фарғона областларида ёққан сел ва дўл талай майдондаги ғўзаларни нобуд қилди.

Буларнинг ҳаммаси социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашимизда қўшимча қийинчиликларни туғдирмоқда. Қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари колхоз ва совхозларнинг, ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари, область ва республика ташкилотларининг раҳбарлари буни тушуниб олишлари лозим. Аҳволни тузатиш учун ҳозир бутун кучимизни, барча моддий-техника ресурсларимизни ғўза парваришига сафарбар этишимиз лозим. Барча ишлар юксак интизом ва уюшқоқлик, талабчанлик асосида ташкил қилиниши керак.

Республикамизнинг шонли юбилейи яқинлашиб қолди. Кўпгина ишлаб чиқариш бошқармалари, колхозлар, совхозлар, бригадалар планни юбилейгача бажариш юзасидан ўз зиммаларига мажбуриятлар олдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқмоқ учун ҳозир фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Барча колхозлар, совхозлар, бригадалар ана шу мусобақага қўшилиб, ҳосил учун курашни авж олдириб юборсалар, ўзимизнинг катта байрамимизни муносиб кутиб олишимизга шак-шубҳа йўқ.

Республиканинг қирқ йиллиги байрамига дўстларимиз ва биродарларимиз ўзбек элига келишади. Совет Ўзбекистони ўзи барпо этилган қирқ йил мобайнида ана шу дўстлар ва биродарларимиз ёрдами билан саноати юксак тараққий этган, механизациялашган йирик қишлоқ хўжалигига эга бўлган республикага, илғор социалистик маданият барқ урган республикага айланди.

Дўстларимиз ва биродарларимиз эришган муваффақиятларимизга бизлар билан биргаликда қувониши ва республика ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг қирқ йиллигини муносиб нишонлашлари учун биз ҳамма ишни қилишимиз керак.

Юбилей йили Совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг янги шонли ғалабалар йили бўлади, ишчилар синфимиз, колхозчи-деҳқонларимиз, интеллигенциямиз, шаҳар ва қишлоқларнинг барча меҳнаткашлари бу йил коммунизм қурилиши ишига катта ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз. (Қарсаклар).

(ЎзТАГ).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ • 2
27 ИЮНЬ 1964 ЙИЛ
№ 148 (12.802).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИ 1964 ЙИЛ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Туркманистон ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. ГАПУРОВнинг қўшимча доклади

Депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон ва Туркманистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта ҳамда бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун бир-бирлари билан мусобақалашиб келмоқдалар.

Икки қардош республиканинг традицион социалистик мусобақаси халқларимиз дўстлигини тобора кўпроқ мустаҳкамламоқда, бир-биримизнинг янги ютуқларни қўлга киритишимизга, камчиликларни ўртоқларча очиб ташлаб, туғатишимизга ёрдам бермоқда.

Шу йил кўкламида, чигит экиш арафасида, мамлакатнинг машҳур механизаторларидан Жавод Кўчиев, Валентин Тюпко ва бошқа кўп ўртоқлар Туркманистонда бўлишди. Улар квадрат-уялаб чигит экиш техникасини яхшироқ билиб олишда республикамиз пахтакорларига бебаҳо ёрдам кўрсатишди. Колхозларимизнинг раислари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларимиз Ўзбекистоннинг энг яхши колхоз ва совхозларида қишлоқ хўжалигини бошқаришдаги прогрессив методларни ўрганишди. Ўзбекистондаги илғор хўжаликларнинг инженер-механиклари, агрономларидан катта бир группаси доимий ишлаш учун республикамизга кўчиб борди ва ҳозир Туркманистон колхоз ва совхозларида ғайрат билан меҳнат қилмоқда, ўзининг бой тажрибаси ва билимларини баҳам кўрмоқда. Бунда биз ўзларининг мўл пахта ҳосили учун курашдаги тажрибалари, илғорларнинг ютуқлари Туркманистон ва бошқа қардош пахтакор республикалардаги кенг оммаларнинг мулки бўлиб қолишидан, Ватанимизнинг янада равнақ топишига ёрдам беришидан қардош Ўзбекистон меҳнаткашлари чуқур манфаатдор эканликларини кўриб турибмиз.

Севикли Ватанимиз равнақи учун курашда бир ёқадан бош чиқариб қаҳрамонона меҳнат қилганимизни кўрсатувчи мисоллар халқларимиз дўстлиги тарихида кўплаб топилади. Хоразм ва Тошновузда Дарёлиқ коллекторини биргаликда барпо этганимиз ана шу қардошларча дўстликнинг ифодаси бўлди. Бу коллекторга ҳақли суратда «Халқлар дўстлиги» коллектори деб ном берилди. Бундан ташқари, бир қанча бошқа иншоотларни ҳам биргаликда қуриб олдик. Келажакда Амударёда биринчи Қизилқўқ сув омборини биргаликда қурмоқчи бўлиб турибмиз. Бу иншоот Қарши чўлидаги ҳосилдор ерларни ва Қорақум канали зонасидаги ерларни сув билан таъминлайди. Биз Амударё этакларидаги ерларни суғоришга доир масалаларни ҳам биргаликда ҳал қилмоғимиз лозим. Республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов бошчилигида яқиндагина ўз ишини тамомлаган қардош Ўзбекистон ўзаро текшириш бригадаси бизга катта ёрдам кўрсатди.

Коммунизм қуришдан иборат ягона олижаноб мақсад йўлида совет халқлари дўстлиги ва ўзаро ёрдамининг бераётган самаралари ана шундай намоён бўлмоқда. Бу дўстлик ва ўзаро ёрдам совет тузумимиз шароитида, жонажон Коммунистик партиямиз ва унинг ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ Марказий Комитети туфайли ўз самараларини бермоқда.

Туркманистон ўзаро текшириш бригадаси Фарғона, Бухоро, Хоразм, Тошкент, Андижон ва Сирдарё областларидаги колхоз ва совхозларда бўлди. Ана шу областларнинг пахтакорлари кўклам фаслида иқлим шароити ниҳоятда ноқулай келганлиги сабабли туғилган катта-катта қийинчиликлари бартараф этиш, чигитни бир текис ва тўла ундириб олиш учун республика партия ташкилоти раҳбарлигида кўпгина меҳнат сарфлабдилар, ажойиб маҳорат, омилкорлик ва ижобий ташаббускорлик кўрсатибдилар. Ҳозир пахтакорлар ғўза парваришини ғайратни бўшаштирмай давом эттирмоқдалар.

Колхоз ва совхозларнинг далалари ва фермаларида бўлган вақтимизда биз шунга қаноат ҳосил қилдикки, ўзбек халқининг ҳаётидаги шонли воқеани, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил топган кунининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа кун сайин тобора кенг қулоч ёзмоқда, ана шу областларда КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини химиялаштириш ва интенсивлаштириш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш соҳасида катта иш олиб борилмоқда.

Бу—ғўзаси жуда яхши ўсаётган, яъни ёппасига шоналаб, ҳозир гуллай бошлаган Фарғона областининг Поп, Қува, Хоразм областининг Шовот, Ҳазорасп, Бухоро областининг Ромитан ва Ғиждувон ишлаб чиқариш бошқармаларидаги колхоз ва совхозларда кўзга айниқса яққол ташланиб турибди.

Орденли Хоразм области Ўзбекистон пахтачилигини ва барча қардош пахтакор республикаларнинг умум эътироф этган машъали ҳисобланади. Хоразмликлар КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларини бажара бориб, пахтачиликни янада интенсивлаштириш йўлига қатъиян ўтиб олдилар. Ҳозир областдаги ҳамма пахтакорларнинг куч-қуввати бу йил ҳар юз минг гектар ер бошига 32 центнердан пахта етиштириш тўғрисида олинган социалистик мажбуриятни бажаришга сафарбар қилинган.

Фарғона областида комплекс механизацияни жорий этиш юзасидан жуда катта иш амалга оширилган. Бу областда чигит асосан квадрат-уялаб экилган. Бу билан ғўзаларни механизмлар ёрдамида икки томонлама парваришлаш учун яхши замин яратилган. Фарғона ва Андижон областлари меҳнаткашларининг ҳар гектар ердан тўлиқ фойдаланиш учун олиб бораётган кураши айниқса ибрат бўлаётгандир.

Бригада аъзолари бир талай яхши таассурот тўпладилар, биз КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг қарорларидан келиб чиқувчи кўпгина янги, прогрессив нарсаларни кўрдик. Улар бизни қувонтирмоқда ва биз ўз республикамизга қайтиб борганимиздан кейин Ўзбекистондаги колхоз ва совхозларнинг илғор методларини кенг ёямиз, Туркманистондаги ҳамма пахтакорларнинг мулкига айлантирамиз.

Юбилей йилида мўл ҳосил учун курашда йўл қўйилаётган ва текшириш вақтида аниқланган камчиликлар тўғрисида лом-лим демасак, биз асил дўст ва биродарларнинг ишини тутмаган бўлар эдик. Шу ҳақда гапираётганимизнинг боиси шуки, ўзаро текшириш бригадаси яхши ишлар қатори ғўза парваришида агротехника бузилаётганлигини кўрсатувчи бир қанча фактларни ҳам очиб ташлади, бу эса ғўзанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Талайгина майдондаги ғўзалар ривожланишдан орқада қолмоқда. Масалан, текшириш вақтида Фарғона областида ғўзаларнинг тўртдан бир қисми, Бухоро областида тўртдан уч қисмини ва Хоразм областида ярмидан кўпроғи ҳали шонага кирмаган эди. Шу чоққача катта-катта майдонлардаги ғўза бегона ўтлардан тозаланмаган. Бухоро областида 15 июнгача ғўзанинг тўртдан бир қисмидан кўпроғи яганадан чиқарилган эмас. Хоразм областининг бир қанча хўжаликларида ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин.

Биз шундай фактларни ҳам учратдикки, Бухоро ва Хоразм областларидаги кўпгина хўжаликларда ғўзага кўккурт тушиб кетишидан қўрқиб, яганалаш вақтида уялларда кўплаб ортиқча кўчат қолдирилган. Ана шундай майдонлардаги ғўзани бошқатдан яганалаш зарур, чунки бу иш бир кун кечиктирилса, ҳосилнинг кўп қисми нобуд бўлиб кетиши мумкин.

Бир қанча колхоз ва совхозларда биз трактор культиваторлари қониқарсиз ишлаётганлиги сизгари фактларга дуч келдик. Тракторларнинг кўпи бир сменада ишламоқда, айрим тракторчиларнинг ғайрат билан ишлаётгани сезилмайди. Ваҳолонки, ҳозир ҳар бир соат ғаниматдир. Механизаторларнинг ўрнига колхозчилар қўлига кетмон олиб ишлаётганини кўрсатувчи фактлар оз эмас.

Хоразм ва Бухоро областларида квадрат-уялаб чигит экиш плани бажарилмагани устига, квадрат-уялаб экилган ғўзалар икки томонлама парвариш қилинмаётир. Масалан, Ҳазорасп ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммуна» колхози комплекс механизациялашган хўжалик ҳисобланади, унинг қўлида мўл-кўл техника бор, лекин колхознинг пахта далаларида квадратлар деярли йўқ бўлиб, қатор оралари фақат бир томонлама ишланмоқда. Текширилган колхоз ва совхозларнинг кўпида трактор культивациясининг сифати паст.

Тракторларнинг бекор туриб қолаётганлиги учун айбнинг каттагина қисми «Узсельхозтехника» бирлашмалари зиммасига тушади. Бу бирлашмалар техника назоратини ва техника парваришини ўз вақтида ўтказиб турмаяпти, ҳамда колхозларни кўпгина запас қисмлар билан таъминламаяпти. Бунинг устига, Бухоро областидаги кўп хўжаликларда яхши ремонт қилинмаган культиваторлар далага чиқарилган.

Суғориш суръатининг паст бўлаётганига сабаб — ғўзаларнинг ҳали чанқамаганлиги эмас, балки айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳосил тақдири учун, социалистик мажбуриятларни бажариш учун ҳамон масъулият сезмаётганликларидадир. Хоразм ва бошқа баъзи областларда сувдан фойдаланиш даражаси паст бўлаётганлигини фақат шу билан изоҳлаш мумкин.

Ғўза парваришда асло бир меъёрда олиб борилмаётганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Илғор колхозлар чиқариш бошқармасидаги ўртача кўрсаткичлардан анча олдинда бормоқда.

Хоразм ва айниқса Бухоро областларида бу йил кўккуртнинг кўп тарқалиб кетганлиги колхоз, совхозларнинг раҳбарларини, ишлаб чиқариш бошқармалари ва область ташкилотларини ғафлатда қолдирган. Кўккурт биринчи урчиш вақтидаёқ йўқ қилинмаганлиги учун иккинчи урчиш вақтида ниҳоятда кўп тарқалиб, ғўзага ва бошқа экинларга катта зиён етказган.

Туркманистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадалари пахта далаларида ишлаётган колхозчиларнинг маданий-маиший шароитлари билан ҳам қизиқди. Фарғона ишлаб чиқариш бошқармасидаги СССР Олий Совети депутати Энахон Аҳмадалиева раислик қилаётган Карл Маркс номли колхознинг дала шийпонларини кўриб, яхши таассурот олдик.

Бу колхоздаги 13 бригаданинг ажойиб дала шийпони бор, Шийпонларнинг атрофи дарахтзорлар, гўзалар ва гулзорлардан иборат бўлиб, бир ёнида сабзавот экинлари ўсиб ётибди. Кутубхона, телевизор, радиоприёмник, магнитофон, янги газета ва журналлар — колхозчиларнинг хизматида. Колхоз раҳбарлари колхозчиларнинг болаларига ҳам ғамхўрлик қилишмоқда. Ҳар бир дала шийпонида болаларнинг мавсумий яслилари очиб қўйилган, болалар ўйнайдиган майдонча бор. Ўз болаларидан оналарнинг кўнгли тўқ. Одамнинг кўнгли тўқ бўлса қўли ҳам ишга чаққастроқ бўлади, ишида унум кўпаяди.

Бахтга қарши, ҳамма колхозларда ҳам дала меҳнаткашларига ғамхўрлик қилиняпти, деб бўлмайди. Мисол учун Хева ишлаб чиқариш бошқармасини олайлик. Биз бу ерда колхозчилар тушки овқат пайтида роҳатланиб дам оладиган биронта ҳам дурустроқ дала шийпонини кўрмадик, колхозчиларга иссиқ овқат пиширib берилмаяпти. Гурлан, Янгариқ ва Олтариқ ишлаб чиқариш бошқармаларидаги колхозларда пахтакорларнинг маданий-маиший аҳтиёжлари тўғрисида етарли ўйлаб кўрилмаяпти.

Биз айрим хўжаликларда колхозчилар ўз меҳнатига узоқ вақтдан буён ҳақ олмаётгани, баъзи жойларда эса колхозчилар билан 1963 йил учун шу чоққача ҳисобкитоб ўтказилмаганлиги сингари фактларни ҳам учратдик.

Ўзаро текшириш бригадаси чорвачилик соҳасидаги социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини текшириб кўрди. Колхоз ишлаб чиқаришининг бу муҳим тармоғини ривожлантиришда ҳам бир қанча камчиликлар бор. Жамоат чорвачилигининг маҳсулдорлигини ошириш имкониятларидан ҳамма жойда тўлиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди, бир қанча хўжаликларда чорва камайтирилиб юборилган.

Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Гулистон», Қува ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон», Гурлан ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Янги-обод», Шовот ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон» колхозларида сигирларнинг сути жуда кам. Бутун беш ой мобайнида ҳар бир сигирдан 70-115 литрдан сут соғиб олинган.

Бухоро областида 24 та сут соғиш агрегати ўрнатилган бўлса ҳам шундан 7 таси ишлатиляпти, холос. Бухоро ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Янги турмуш» колхозида эса «Сельхозтехника» бирлашмаси «арча» типидаги сут соғиш агрегатини ўрнатишга 1959 йилда киришганича, ҳанузгача ишга солиб юбормаган.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг асоси — ем-хашак базасидир. Баъзи колхозларда биз яхши ўсаётган маккажўхори майдонларини кўрдик. Лекин умуман текширилган учала областда маккажўхорининг аҳволини қониқарли деб бўлмайди. Кўп хўжаликларда маккажўхори ва оқжўхори экиш плани бажарилмаган. Кўп колхозларда маккажўхори экинлари керагича суғорилмаяпти, яхши парвариш қилинмаяпти. Маккажўхорикор бригадалар техника ва ишчи кучлари билан тўлиқ таъминланмаган, маккажўхоридан силос бостиришга тайёргарлик жуда сустдир.

1964 йилда олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш натижалари устидаги асосий мулоҳазаларимиз ана шулардан иборат.

Ўртоқ Р. Қурбоновнинг докладида социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши соҳасидаги ишларнинг аҳволи анализ қилинибгина қолмай, шу билан бирга ғўза ва бошқа экинлар парваришини кучайтириш, мўл ҳосил олишнинг конкрет йўллари ҳам кўрсатиб берилди.

Биз докладда айтилган ҳамма таклифларга тўла қўшиламиз. Ғўза ривожланишининг мана шу масъулиятли даврида парваришни ақалли сал бўлсада бўшаштириб қўйиш, ҳосилга ўнгланмас зарар етказиши мумкин.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари дон экинлари етказиш соҳасида катта иш қилдилар. Республика ёшлари гектар бошига юз центнер ҳосил олиш йўлидаги қурашнинг ташаббускори бўлдилар. Далаларда дон экинларидан мўл ҳосил етиштиришди. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, механизаторлар ана шу ҳосилни ўз вақтида ва нобуд қилмай йиғиштириб олишдилар, биз бунга шубҳаланмаймиз.

Бригада аъзолари текшириш вақтида кўрган ҳамма нарсаларини ва аниқлаган камчиликларини ишлаб чиқариш бошқармаларида ва областларда кенг активлар иштироки билан ўтказиб, йиғилишларда батафсил гапириб бердилар, ана шу кенгашларнинг ўзида камчиликларни тезроқ туғатиш юзасидан амалий чоралар белгиланди. Биз ҳамма жойда асил қардошлар ва дўстлардек кутиб олиндик.

Ўтган йили Ўзбекистон пахтакорлари олинган мажбуриятларни қандай бажариш кераклигини ҳамма республикаларга ибрат қилиб кўрсатдилар. Бинобарин шубҳа йўқки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил ҳам юбилей шарафига пахта, дон ҳамда бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини муваффақиятли адо этадилар ва бу билан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга муносиб ҳисса қўшадилар. (Қарсаклар).

Тожикистон ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Тожикистон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри Х. Н. МИРЗОЯНЦнинг қўшимча доклади

Ўртоқлар!

1964 йил Ўрта Осиё халқларининг ҳаётида жуда ажойиб йилдир. Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон совет социалистик республикаларининг қирқ йиллигини ва Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон коммунистик партиялари ташкил топган кунинг қирқ йиллигини нишонлайдилар.

Шонли юбилей йилида қардош республикаларимиз меҳнаткашларининг бутун фикр-зикри ва иши халқ хўжалигини янада ривожлантиришга, партия XXII съезднинг, КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг тарихий қарорларини амалга оширишга қаратилган. Биз сизнинг Ўзбекистонингизда Тожикистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси иш олиб борган кунларда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг, партия ва совет активларининг ана шундай юксак меҳнат шижоати ва чинакам ғайрат-ташаббусини кўрдик.

Ўрта Осиёдаги қардош республикаларнинг социалистик мусобақаси ажойиб традиция бўлиб қолди. Халқларимизнинг бузилмас дўстлиги шу мусобақа туфайли янада кўпроқ мустаҳкамланмоқда. Қардош Ўзбекистон ва Тожикистоннинг вакиллари ҳар йили ўтказиладиган ўзаро текшириш давомида халқ хўжалигининг хилма-хил тармоқларида мавжуд резерваларни қидириб топиш, илғор тажриба ва фан ютуқларини жорий қилиш, ишдаги камчиликларни очиб ташлаш ва бартараф қилишда бир-бирларига ёрдам бермоқдалар. Тожикистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё областларидаги ва Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасидаги хўжаликларда ғўзанинг аҳволи билан ва ғўза парваришининг қандай ушлаётганлиги билан 10 кун мобайнида танишиб чиқди.

Ўзбекистон ССР мамлакатимизнинг энг йирик пахта базасидир. СССРдаги энг яхши пахтакорлар—машҳур новаторлар ва колхоз ишлаб чиқаришининг донги кетган ташкилотчилари бу республикада ишламоқдалар. Улар ўзбек халқининг меҳнатсеварлигини, буюк қобилияти ва донишмандлигини, ижодий изланиш ва чинакам новаторликни, мамлакатимиз пахтакор районларининг ривожланишини кўп жиҳатдан белгилаб бераётган тараққиётни яққол гавдалантирмоқдалар.

Тожикистон пахтакорларининг вакиллари Ўзбекистонга келганларида шу қардош республикада вужудга келган ва ривожланаётган янгиликни, ўзимиз фойдаланишимиз мумкин бўлган қимматли ва ижобий нарсаларнинг ҳаммасини ўрганишга ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Биз бу сафар келишимизда республика партия ташкилотининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида кадрларни танлаш, кўтариш ва жой-жойига қўйиш соҳасида қилган катта ишларини кўриб, жуда хурсанд бўлдик. Биз ҳамма жойда бу масала пухта ва тўғри ҳал қилинаётганлигига эътибор бердик. Биз қишлоқ хўжалик техникасини мукаммал эгаллаб олган звено ва бригадаларнинг бошлиқлари билан, колхозларга бошчилик қилаётган агрономлар ва механизаторлар билан, ишлаб чиқариш бошқармаларида ишлаётган агрономлар ва зоотехниклар билан, колхозчилар оммасининг моҳир ташкилотчилари — партия комитетларининг секретарлари билан учрашдик ва суҳбат қилдик. Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё областларида ва Қорақалпоғистон Автоном республикасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моҳир ташкилотчиларидан ўнларча ва юзларча кишиларнинг номини айтиш мумкин.

Биз янги ирригация системаларини қуриш, неча ўн минг гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасида жуда катта ишлар қилинганлигини мамнуният билан қайд қиламиз. Тошкент ва Қашқадарё областларида йирик сув омборлари вужудга келтирилганлиги ва бошқа кўп ишлар ҳам бизни қувонтиради.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг хатида, КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг қарорларида қолоқ колхозларнинг экономикасини юксалтириш соҳасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистонда бажарилган ва бажарилаётган буюк ташкилотчилик иши бизда кучли таассурот қолдирди. Бу республикада ана шу ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишнинг хилма-хил формалари ва методлари қўлланилмоқда.

Новаторлардан Валентин Тюпко, Турсуной Охунова ва Жавод Кўчиевларнинг тажрибаси хусусан Тошкент областида кенг ёйилганлиги ҳам бизда яхши таассурот қолдирди. Областдаги хўжаликларда 1297 пахтачилик бригадаларининг ярмидан кўпроғи ана шу машъалларнинг методи билан ишламоқда. Уч мингга яқин комплекс механизациялаштирилган пахтачилик звеноси ташкил этилган. Бу звеноларнинг 563 таси хўжалик ҳисобига кўчирилган.

Ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари нарядсиз ишлайдиган бригада ва звеноларда меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш усули билан, дала ишларининг энг қизғин пайтларида тракторчиларнинг ва сувчиларнинг меҳнатига юз процент ҳақ тўлаш практикаси билан ғоят қизиқиб танишдилар.

Тошкент областининг колхозларида пахтакорларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш масалаларни ҳал этилган. Пахтакорларнинг меҳнат ҳақи улар етиштирган ҳосилга бевосита боғлиқ қилиб қўйилган. Республиканинг кўпгина колхоз ва совхозларида пландан ташқари ҳосил етиштирганлиги учун моддий жиҳатдан рағбатлантириш ва қўшимча ҳақ тўлашнинг рационал системаси ишлаб чиқилган.

Яхши ташаббус ва яхши ишларга доир мисолларни жуда кўп келтириш, неча юзлаб илғорларнинг номларини айтиб бериш мумкин. Ана шу илғорларнинг иши республиканинг ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг қирқ йиллигини муносиб кутиб олиш учун республиканинг қишлоқлари, посёлкалари ва шаҳарларида авж олиб кетган меҳнат ғайратини ёқин ифода этади.

25 ишлаб чиқариш бошқармасида, 249 колхоз ва совхозда, комплекс механизациялаштирилган кўпгина далачилик бригадалари ва звеноларида текшириш ўтказилди. Тожикистон пахтакорларининг вакиллари борган ҳамма жойда уларнинг танқидий мулоҳазалари ва маслаҳатларига ғоят жиддий эътибор берилди. Қишлоқ хўжалик ишларидаги кўп камчиликлар текшириш вақтидаёқ туғатилди.

Бизнинг ўзаро текшириш бригадамиз шундай хулосага келди: Далаларда зўр ғайрат билан меҳнат қилинган тақдирда ғўзаларнинг ҳозирги умумий аҳволи, ғўза тупларининг қалинлиги республикангизнинг шу юбилей йилида давлатга уч миллион олти юз минг тонна пахта сотиш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришга имкон беради. Кўкламнинг кеч келиши орқасида рўй берган қийинчиликлар, бизнинг фикримизча, бартараф қилинган.

Шу билан бирга биз дала ишларини олиб боришдаги катта камчиликлар тўғрисида индамай ўта олмаймиз. Бу камчиликлар биз текшириб чиққан барча областлар, ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозлар учун характерли бўлиб, ҳосилнинг тақдири учун жиддий ташвишга сабаб бўлмоқда. Ғўзани яганалаш шу вақтгача тамомламаганлиги учун жуда қайғурмоқдамиз. Ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг ҳисобига кўра, бундай ерлар бутун пахта майдонининг камида тўртдан бир қисмини ташкил этади. Қарши, Ғузор, Яккабоғ, Косон ишлаб чиқариш бошқармаларидаги хўжаликлар ғўзани яганалаш ва ғўза тупларини ростлаш ишларини кечиктириб юборганлар. Қорақалпоғистон АССРдаги хўжаликларда бутун пахта майдонининг 82 процентидагина ғўза ягана қилинган.

Бу ишни дарҳол тугаллаш муҳим эканлиги тўғрисида бу ерда гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу ҳаммага аён. Лекин шунга қарамай, биз ғўзаларнинг кўпи ҳозир ҳосилга кираётганини эътиборга олиб, бу фактга яна эътиборни жалб этамиз.

Тўлиқ гектарни сақлаб қолиш учун лозимча кураш олиб борилмаётганлиги ҳам катта ташвиш тугдирмоқда. Ҳатто Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон Автоном республикасидаги энг илғор хўжаликларда ҳам культивация вақтида, тракторларнинг айланиш майдонча

ФУТБОЛ

БИРИНЧИ ДАВРА ШУНҚОРИ

«Пахтакор» командасининг бу йилги ўйинларини кўз олдингизга келтирар экансиз, беихтиёр 1962 йилги мавсум ёдингизга тушади. Ўша йили тошкентлик футболчилар биринчи даврани пешқадам бўлиб якунлаган ва бир неча марта мамлакат чемпиони бўлган пойтахтнинг «Спартак» ва «Динамо» командаларини ҳам орқада қолдирган эдилар. Ўшанда кўпгина футбол мутахассислари ва тренерлар пахтакорчиларнинг бу муваффақиятини мавсум сенсацияси, деб атаган эдилар.

Аммо ўтган йили пахтакорчилар футбол ишқибозларини қаттиқ ранжитиб иккинчи группага тушиб қолдилар. Бундан тўғри хулоса чиқарган тошкентлик футболчилар бу йил чаққон, эпчил ўйинлари билан футбол шинавандаларини мамнун этаётирлар. Энг қувончли томони шундаки, командамиз 1+4+3+3 системасидан 1+4+2+4 системасида, айрим матчларда эса 1+4+1+5 системасида ўйнамоқда. Бу система командамизга жуда қўл келди. Улар ҳар бир учрашувда рақиб дарвозасига тўп киритмоқдалар. «Пахтакор» «А» классида ўйнай бошлаганидан буён рақиб дарвозасига киритган ва ўтказиб юборган тўплар айирмаси ёмон бўлиб келарди. Бу йил эса унинг акси бўлди.

Мавсум бошланиши арафасида биз журналистлар команданинг режаси, қайси ўрин учун курашаётгани ҳақида тренер ва футболчилардан интервью олган эдик, уни газетхонларга етказамиз. «Пахтакор»га янги тренер бўлиб келган кезларда А. Абрамов бирор фикр айтишдан қочди. У қуруқ сўзлар билан эмас, балки амалда бирор иш кўрсатишга уринди, команданинг аввалги шуҳратини тиклашга ҳаракат қилди. У иккинчи группа командалари кучига етарли эътибор бермаслик хато бўлишини ўйинчиларга тушунтирди. Яна кучлилар группасига қайтиш, футбол шинавандаларининг ишончини оқлаш учун мавсумнинг биринчи учрашувлариданоқ фақат ғалаба қозониш иштиёқида майдонга тушишни қайта-қайта таъкидлади. Команда аъзолари билан якка-ма-якка суҳбатлашди, уларнинг уйида бўлди, кўнглига қўл солиб кўрди. Бор тажрибаси ва билимини ёшларга ўргатишга ҳаракат қилди.

«Пахтакор» мавсумни жуда яхши бошлади. Ленинграднинг «Динамо», Новосибирскнинг Армия спорт клуби, Калинин шаҳрининг «Волга» ва Душанбанинг «Энергетик» командаларини мағлубиятга учратиб, 8 имкониятдан 8 очко тўплади. Мана шу тўрт ўйинда улар рақиб дарвозасига 13 та тўп киритган ҳолда дарвозаларидан атиги учта тўп ўтказиб юбордилар. Ҳаммадан ҳам қувонарли томони шундаки, командамиз асосий зарбани фақат Г. Красницкий орқали эмас, балки қанотдан ҳам берадиган бўлди. И. Малиновский ҳам, В. Любушин ҳам рақиб дарвозабони учун энг хавфли ўйинчилардан бўлиб қолишди. Ю. Пшеничников эса ўйиндан-ўйинга маҳоратини ошириб, ишқибозларнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

«Пахтакор» командаси ўз майдонида атиги битта очко йўқотди. Чет майдонларда эса уч марта мағлубиятга учради. Бу ҳали ҳам футболчиларимизнинг рақиб майдонларида яхши ўйнай олмаётганликларини кўрсатади.

Ҳали жиддий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ҳимоячиларимиз аниқ ва пухта ўйнай олмаётирлар. Кўпинча уларнинг хатосини дарвозабонимиз тузатиб қолмоқда. Ҳимоячилар янглишса, дарвозабон уни тузатиши мумкин. Агар дарвозабон янглишсачи? Бунда бутун команда уялиб қолади.

Биринчи давра мусобақалари тугади. «Пахтакор» сўнгги ўйинни Харьков шаҳрида «Авангард» футболчилари билан ўтказди. Учрашувда тошкентлик спортчилар кескин ҳужум қилдилар. Аммо, дарвозага аниқ тепа олмаслик «касали» бу ўйинда яққол сезилди. Майдон эгалари эса ҳар бир ҳужумни дарвозани ишғол қилиш билан якунладилар ҳамда «Пахтакор»ни 4:1 ҳисоби билан мағлубиятга учратдилар. Гарчи пахтакорчилар биринчи давранинг охирги ўйинини йирик ҳисоб билан ютқазган бўлсалар ҳам даврани биринчи ўрин билан якунладилар. Шундай бўлиши ҳам лозим эди. Эндиги вазифа қўлга киритилган ютуқни мустаҳкамлаш ва иккинчи давра матчларини юқори савияда ўтказиш, финалда эса фахрий «тўрт»лик сафидан ўрин олиб, яна энг кучлилар группаси сафига қайтишдан иборатдир. Бунинг учун кучни тежаб сарфлаш, имкониятлардан тўғри фойдаланиш лозим бўлади.

Хўш, даврамизда кимлар финал группага киришга даъвогарлар. Қайси коллективлар «Пахтакор»га жиддий тўсиқ бўла олади? Харьковнинг «Авангард» командаси, Челябинскнинг «Локомотив», Вильнюснинг «Жальгирис» ва Одессанинг «Черноморец» коллективлари финал группага кириш учун қатъий даъвогарлик қилмоқдалар.

Иккинчи группа командалари ҳам биринчи давра мусобақаларини якунладилар. Одессанинг Армия спорт клуби командаси биринчи ўринга чиқди. Бу коллектив асосий рақиблари Қарағанданинг «Шахтёр», Львовнинг «Карпати», Свердловскнинг «Уралмаш», Волгограднинг «Трактор» командаларидан бирмунча илгарилаб кетди. Ўтган йили кучлилар группасидан тушган Москванинг «Локомотив» ва Ереваннинг «Арарат» командалари турнир жадвалининг ўрталарида бормоқдалар.

«А» класси биринчи группасида қатнашаётган командаларнинг биринчи давра мусобақаларидан кейинги турнир жадвалида эгаллаган ўринлари қуйидагича:

Командалар	ўйин	тўплар	очко
«Пахтакор» Тошкент	12	26-12	17
«Авангард» Харьков	12	16-9	16
«Жальгирис» Вильнюс	12	15-12	15
«АСК» Новосибирск	12	11-10	14
«Черноморец» Одесса	12	9-10	13
«Даугава» Рига	12	11-9	12
«Заря» Луганск	12	8-6	12
«Локомотив» Челябинск	12	14-13	12
«Кубань» Краснодар	12	10-9	12
«Динамо» Ленинград	12	11-5	10
«Строитель» Ашхобод	12	10-17	9
«Волга» Калинин	12	13-19	8
«Энергетик» Душанба	12	5-18	6

В. МАҲКАМОВ,
Ш. УМРЗОҚОВ.

ЭЪЛОНЛАР ТОМОШАЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

27 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Будь готов** (телевизион журнал). 17.40 — **Кама устида қўшиқ** (телевизион очерк). 18.05 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Эстрада концерти**, 19.30 — **Чет эл кинохроникаси**, 19.40 — **Ялангоч дипломат** (бадиий фильм).

21.00 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.05 — **Ойнадан ўпкалама** (сатира ва юмор). 21.30 — **Телевизион янгиликлар**, 21.45 — **Киножурнал**, 21.55 — **Далада ишловчилар учун** (эшиттириш ва концерт).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/VI да кундуз **Этик кийган Мушук**, кечқурун **Оқ қуш кўли.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Париж сирлари — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «МОСКВА», «ВОСТОК», «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Жанубий соҳил аёли — «ВАТАН» (кеч соат 8 ва 10 да).

Қайсарлар (эрталаб соат 10 да). **Тилла тиш** (кундуз 5 дан) — «ЁШ ГВАРДИЯ».

Қатъий ўйин — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Сеп овчиси — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Компаньерос — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

Сен етим эмассан — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
27 ИЮНДА

ДИЛОРОМ

Спектаклда: СССР халқ артисти **Саодат Қобилова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Насим Ҳошимов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Жамол Низомхўжаевлар қатнашади.

17-ПРОФЕССИОНАЛ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти экскаватор машинистлари тайёрлайди.

Ўқиш муддати 6 ой.

Ўқиш 10 июлдан бошланади.

Билим юртига VII синф ҳажмида маълумоти бўлган эркаклар 17 ёшдан тортиб қабул қилинади.

Қабул қилинганлар бепул овқат, стипендия, ётоқ ва уст-бош билан таъминланади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойдан справка, оилавий аҳвол ҳақида справка. Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Адрес: Фарғона область, Поп райони, Уйғурсой посёлкаси.

ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИГА

қуюв иши инженерлари, контроль-ўлчов асбобларига доир электрик инженерлар, 2, 3, 4, 5-разрядли токарлар, 2, 3, 4-разрядли қолипчилар, 2, 3, 4, 5-разрядли электросваркачилар, металл конструкцияларни йиғувчи 2, 3, 4, 5-разрядли слесарлар (қозончилар), 1, 2, 3, 4-разрядли прессчи-штамповкачилар, (ёлғиз кишилар ётоқ билан таъминланади)

2, 3, 4-разрядли йиғувчи слесарлар, саноат ускунасини ремонт қилувчи 3, 4, 5-разрядли слесарлар, 3, 4, 5-разрядли вентиляция слесарлари,

2, 3, 4-разрядли:
газосваркачилар, газорезчиклар, ғишт терувчилар

КЕРАК

Огородная кўчаси, 15-уйда заводнинг кадрлар бўлимига учрашилсин (4, 5-троллейбус, 21-автобуснинг «Заводская» остановкаси).

Тошкент шаҳар, Циолковский кўчаси, 168-уйда турувчи **Маҳамад Аҳмедовнинг** Тошкент область, Ўрта Чирчиқ району, Туйтепа станцияси, Учқун кўчаси, 21-уйда турувчи Маҳбуба Эшоновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев району халқ судида кўрилади.

Калинин району, Калинин қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхозда турувчи **Қамариддин Жалоловнинг** Тошкент шаҳар, Озод кўчаси, Гулзор проезд, 29-уйда турувчи Муаззам Жалолова (Асомова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин району халқ судида кўрилади.

СПОРТ ХРОНИКАСИ

◆ *Бир ҳафта давом этган республика мактаб ўқувчиларининг XVII традицион спартакиадаси тугади. Областлар ва Автоном республиканинг энг кучли икки мингга яқин ўқувчи-спортчилари спортнинг 16 тури бўйича мусобақалашдилар. Тошкент шаҳар спортчилари умумкоманда ҳисобида ғолиб чиқдилар. Тошкент область вакиллари иккинчи, андижонликлар фахрли учинчи ўринни эгалладилар.*

◆ *«Меҳнат» сув станциясида сузиш бўйича ўтказилган пойтахт биринчилиги мусобақалари тугади. Чилонзор райони сузувчилари умумкоманда ҳисобида ғолиб чиқдилар. Н. Давидова ва Т. Шпотовалар энг юксак натижага эришдилар. Т. Шпотова «Меҳнат резервлари» жамиятининг 200 метрга брасс усулида сузишдаги рекордини янгилади.*

◆ *Шаҳар бўйича ўтказилган сувга сакраш мусобақалари якунланди. Спорт мастери, СССР халқлари III спартакиадасининг чемпиони Вера Пилипко юксак натижа кўрсатди. У икки машқ бўйича чемпион бўлди. Вишкадан сакрашда эркаклар ўртасида Юрий Луц биринчи ўринни эгаллади.*

КЕЧА республикамизда

ЙИГИРМА ЙИЛДАН КЕЙИН

ЯНГИҚЎРҒОН БОШҚАРМАСИДАГИ «ЛЕНИНИЗМ» КОЛХОЗИ АЪЗОЛАРИ ЎЗ ҲАМҚИШЛОҚЛАРИ АГРОНОМ-БОҒБОН ЖЎРАБОЙ МИРЗАЕВНИ ЗЎР ҚУВОНЧ БИЛАН ТАБРИКЛАДИЛАР, — ДЕЙИЛАДИ ЎЗТАГ ХАБАРИДА, — ЗАПАСДАГИ СЕРЖАНТ МИРЗАЕВ 3-ДАРАЖАЛИ ШУҲРАТ ОРДЕНИНИ ОЛДИ. БУ ОРДЕН ЙИГИРМА ЙИЛ ЭГАСИНИ ҚИДИРДИ. БУГУН БИРГИНА МИРЗАЕВНИНГ УЙИДА ЭМАС, КОЛХОЗНИНГ ҲАММА ХОНАДОНИДА ТАНТАНА.

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Фарғона область, Ўзбекистон ишлаб чиқариш бошқармасидаги қишлоқ мухбиримиз А. Ҳазратқулов шу бошқармадаги Ғаннобод совхозида икки қаватли янги мактаб биноси битай деб қолгани ҳақида хабар берди. Киров бошқармасидаги мухбиримиз А. Тошпўлатов Яккатут поселкасида нон комбинати, сартарошхона, ва пойафзал кийимларини ремонт қиладиган артель очилгани ҳақида маълум қилди.

БИР КОЛХОЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

«Совет Ўзбекистони»нинг мухбири С. Иброҳимовнинг хабар қилишича, Янгиариқ бошқармасидаги «Ўзбекистон» колхозида ҳаммом ва кўп кишилик клуб битказилган ва фойдаланишга топширилган. Клубга шоир Аваз Ўтар ўғли номи берилди.

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИНДОНЕЗИЯДА

ЖАКАРТА, 25 июнь. **(ТАСС махсус мухбири).** Кундузи А. И. Микоян ва у бошчилик қилаётган СССР Олий Совети делегациясининг бошқа аъзолари Индонезия соғлиқни сақлаш министри Сатрио билан бирга Жакарта яқинидаги Дўстлик госпиталини бориб кўришди. Бу госпитални Совет Иттифоқи қуриб, Индонезия халқига тортиқ қилган эди.

А. И. Микоян ва делегация аъзолари госпитални ҳамда унинг ёнидаги поликлиникани кўздан кечирдилар, яхши жиҳозланган кенг палаталарни кириб кўрдилар, врачларнинг кабинетларида бўлдилар, госпиталда ишлаётган совет ва индонез врачлари ҳамда мутахассислари билан суҳбатлашдилар.

Соғлиқни сақлаш министри Сатрио Дўстлик госпиталида ишлаб турган барча индонез медиклари номидан А. И. Микоянга ва делегация аъзоларига госпитални келиб кўрганликлари учун ташаккур изҳор қилди. Бу госпиталда ишлаётган индонез медиклари, деди Сатрио, госпиталнинг номига муносиб ишлашга интилмоқдалар. У, Индонезия билан СССР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик яшасин, Н. С. Хрушчев ва президент Сукарно яшасин, деб хитоб қилди.

А. И. Микоян жавоб нутқи сўзлаб, индонез врачлари ва медицина ҳамширалари совет медиклари билан биргаликда ишлаётганликларини кўриб хурсанд бўлганлигини айтди. Биз, деди у, операция залида совет ва индонез хирурглари беморнинг дардига шифо бериш учун нақадар жон куйдираётганликларини кўрдик. А. И. Микоян бемор тезроқ соғайиб кетсин, деб истак билдирди, Индонезиянинг барча соғлиқни сақлаш ходимларига уларнинг бажараётган олижаноб ишида катта муваффақиятлар тилади.

ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ ҲУШЁР БЎЛИШЛАРИ КЕРАК

ЖАКАРТА, 25 июнь. (ТАСС). А. И. Микоян «Индонезия — СССР» жамиятида сўзлаган нутқининг анча қисмини совет халқининг Октябрь революцияси даврида чет эл интервенциячиларига ва маҳаллий контрреволюционерларга қарши олиб борган революцион курашига бағишлади, шунингдек иккинчи жаҳон урушида фашизм ва япон милитаризми тор-мор келтирилганлигини гапириб берди. Иккинчи жаҳон урушида Совет Қуролли Кучларининг қозонган ғалабаси, деб таъкидлади у, Европа ва Осиёнинг социал биографиясини ўзгартириб юборди, бунинг натижасида жаҳондаги кучларнинг нисбатида туб ўзгаришлар вужудга келди. Ҳозирги кунда социализм кучлари, ижтимоий тараққиёт кучлари бақувват бўлиб қолди ва капитализм кучларидан ошиб кетди. Лекин бундан деди А. И. Микоян ҳозирги кунда капитализм ўзини эплай олмай, ағдарилиб тушадиган даражада заифлашиб қолди, бир туртки бериш унинг ағдарилиб тушиши учун кифоя қилади, деган маъно келиб чиқмайди.

А. И. МИКОЯННИНГ «ИНДОНЕЗИЯ—СССР» ЖАМИЯТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Империалистлар тиш-тирноғигача қуролланган, лекин бизнинг халқларимиз ҳам қуролсиз эмас, деди А. И. Микоян. Аҳвол ўзгариб кетди. Социалистик мамлакатларнинггина эмас, шу билан бирга ривожланаётган мамлакатлардан кўпларининг ҳам бир талай кучи бор. Улардаги миллий армиянинг қурол-яроғи бор. Кўп ҳолларда бунга бизнинг ҳамкорлигимиз туфайли эришилганлиги билан фахрланамиз. Жаҳон уруши даҳшатли, бундай уруш бўлиш хавфи бор, албатта. Термоядро уруши бўлмаслиги учун ҳамма чораларни кўришга ҳаракат қиламиз. Шу билан бир қаторда золимларга қарши қаратилган озодлик урушларини табриклаймиз.

Биз Америкага ҳужум қилмоқчи эмасмиз, деди А. И. Микоян, Лекин агрессорлар Совет Иттифоқига, Совет Иттифоқининг дўстларига ҳужум қилсалар, уларга тегишли зарба берилади. Капитализм буюк давлатлар ўртасида тинч-тотув яшашни эътироф қилиш билан бирга кичик халқларга тазйиқ ўтказиш воситаларини қўлланмаслиги ва шундай воситалардан бири тариқасида кичик халқларга қарши уруш қилмаслиги лозим. Биз бунинг учун курашмоқдамиз ва бунга эришамиз.

Пировардида А. И. Микоян бундай деди: АҚШда «қутурганлар» деб аталган бир группа бор. Бу — хатарли группа. Шу сабабли тинчлик тарафдорларининг ҳаммаси ядро урушига йўл қўймаслик учун ҳушёр бўлиб туришлари, эски ва янги мустамлакачиликни, одамнинг одами, халқнинг халқни ҳар қандай эксплуатация қилишини тугатиш учун курашмоқлари лозим.

ЖАКАРТАДА ОММАВИЙ МИТИНГ

ЖАКАРТА, 25 июнь. **(ТАСС махсус мухбири).** Индонезия Республикасининг пойтахти Жакарта бино қилинганига 437 йил тўлишига бағишланиб бугун ўтказилган оммавий митингда СССР Олий Совети делегациясининг аъзолари фахрий меҳмонлар тариқасида ҳозир бўлишди.

Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилган ва президент Сукарно номига қўйилган стадион территориясидаги жуда катта спорт зали одамлар билан лиқ тўлган эди.

Президент Сукарно, А. И. Микоян, совет делегациясининг аъзолари, СССР элчиси Н. А. Михайлов минбарга чиқадилар. Муваққат халқ консультатив конгрессининг раиси Хайрул Солих митингни очади.

А. И. Микоян микрофон олдига келиши билан залда гулдурос қарсаклар бошланиб кетади. Анастас Иванович курашаётган Индонезия халқига Совет Иттифоқи халқларининг табригини топширади. Биз, дейди у, турли социал системалардаги мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш учун курашмоқдамиз. Лекин мустамлакачилар билан тотув яшаш мумкин эмас, эксплуататорлар билан эксплуатация қилинувчиларнинг, ишчилар билан капиталистларнинг, помешчиклар билан деҳқонларнинг тотув яшашлари мумкин эмас.

Совет кишилари, деб давом қилди А. И. Микоян, эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашувчиларга, мустамлакачиликнинг Малайзия қиёфасидаги янги формасига қарши курашаётган Индонезия меҳнаткашларига жон-диллари билан хайри-хоҳдирлар. Мустамлакачиликни, деди А. И. Микоян, таг-томири билан батамом қуритиш керак. А. И. Микоян ўз нутқининг охирида ҳамма халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги яшасин, Совет — Индонезия дўстлиги яшасин, деб хитоб қилди.

Сукарно жавоб нутқи сўзлади. У, Индонезия халқи ўзининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, Индонезия ерида мустамлакачилик қолдиқларини батамом тугатиш учун курашаётганлигини сўзлаб берди. Президент Совет ҳукуматига, Совет Иттифоқи халқларига Индонезия революцияси ишини қўллаб-қувватлаганлиги учун чуқур ташаккур изҳор қилди.

СССР Олий Совети делегациясининг бошлиғи, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян кечқурун совет элчихонасида Индонезия ҳукумати шарафига зиёфат берди. Дўстона вазиятда ўтган зиёфатда бош министр ўринбосарлари Субандрио, Леймена, Солих, сиёсий партияларнинг раҳбарлари, парламент депутатлари ҳозир бўлдилар.

АНЗЮС КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ЧАҚИРИЛАДИ

ВАШИНГТОН, 25 июнь. (ТАСС). Кеча АҚШ давлат департаменти 17-18 июлда Вашингтонда АНЗЮС кенгашининг — АҚШ, Австралия ва Янги Зеландия ҳарбий блокининг мажлиси ўтказилади, деб эълон қилди.

Бу мажлисда АҚШ номидан давлат секретари Раск, Австралия номидан ташқи ишлар министри Поль Хэзлак, Янги Зеландия номидан бош министр Кейт Холиок қатнашадилар.

Н. С. Хрушчев мактубига Таиланд ҳукуматининг жавоби

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг жаҳондаги мамлакатларнинг давлат (ҳукумат) бошлиқларига 1963 йил 31 декабрда юборган мактубига Таиланд бош министри фельдмаршал Таном Киттикачондан жавоб олинди.

Т. Киттикачон ўз хатида Н. С. Хрушчевнинг мактубини синчиклаб ўрганиб чиққанини айтади. Ана шу мактубда ҳамма давлатлар территория низолари ва чегара масалаларини бартараф қилишда куч ишлатишдан воз кечиш тўғрисида халқаро битим тузсинлар, деб таклиф қилинган эди. «Худди сиз сингари биз ҳам шу нарсага қатъий равишда аминмизки, — дейилади жавобда, — территория низоларини ҳал қилиш вақтида куч ишлатиш ҳар қандай халқнинг ёки ҳар қандай мамлакатнинг асил манфаатларига тўғри келмайди. Барча территория можароларини ҳал қилишда фақат тинч методлар қўлланилиши керак, деган фикр халқаро сиёсатда ҳамиша айни муддао ҳисобланиб келди».

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави территория низоларинигина эмас, балки бошқа барча халқаро можароларни ҳам тинч бартараф этишни кўзда тутганлигини қайд этиб, Таиланд ҳукумати бундай дейди: биз «юқорида кўрсатилган принципни батамом қўллаб-қувватлаймиз ҳамда ана шу принципнинг руҳини тасдиқлашга ва уни амалда қўлланиш учун ёрдам беришга қаратилган ҳар қандай чинакам куч-ғайратларни шу сабабдан табриклаймиз. Сизнинг мактубингизда айтилган таклиф тўғри йўлга қўйилган қадамдир».

Шу билан бирга, хатда миллий озодлик ҳаракатларига «ғайри қонуний» ва «қўпорувчилик» ҳаракатлари деб қарашга уринилади.

Т. Киттикачон пировардида қуйидагиларни ёзади: «Шартнома ёки битимнинг мақсадига фақат уни имзолаш йўли билангина эришиб бўлмайди. БМТ Устави ўринли равишда кўрсатиб ўтганидек, шартномани имзолаган давлатларнинг ўз мажбуриятларига батамом амал қилишдан иборат холис ниятда бўлиши ҳаётий муҳим масаладир».

ЕВРОПАДА ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

БЕРЛИН. (ТАСС). АДН агентлиги хабар беради: Ғарбий Германияда «Ҳамжиҳатлик учун кураш Европа ҳафталиги» ўтказила бошланди. Бу ҳафталикни Немис тинчлик жамияти (ГФР) уюштирди. Шу ҳафталик давомида Германия Федератив Республикасининг турли шаҳарларида йиғилишлар ўтказиш мўлжалланди. Жамиятнинг активлари бу йиғилишларда доклад ва лекция ўқийдилар. Бундан ташқари, фильмлар ҳам кўрсатилади. Хагенда ўтказилган йиғилишда Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкасидаги жамият правлениесининг аъзоси Фриц Френкен «Шарқ билан Ғарб ўртасидаги ҳамжиҳатлик Европада тинчликни таъминлайди» деган темада доклад қилди.

Докладчи айтдики, Ғарбий Германияда «вазиятга қайта баҳо бериш ва йўлни ўзгартириш процесслари» кенг кўламда бошланди. Бу ҳафталик ана шу майлларни янада кучайтиришга ёрдам бериши керак. Шу мақсадда Немис тинчлик жамияти Бонн ҳукумати НАТОнинг «кўп томонлама» ядро кучларида қатнашишдан воз кечсин, қуролланиш пойгасига чек қўйсин ва ядро қуролининг тақиқланишига рози бўлсин, деган талабларни илгари сурмоқда. «Биз, — деди Ф. Френкен, — шу тадбирларни кўриш билан федератив республиканинг бундан буён қуролнинг ўрнига қуролсизланиш ҳақида Женевада олиб борилаётган музокараларни қатъий суратда қўллаб-қувватлаши учун курашамиз».

НЕГРЛАРГА ҚИЛИНАЁТГАН ЗУЛМГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

ВАШИНГТОН, 25 июнь. (ТАСС). Рангли аҳолининг тараққиётига кўмаклашиш миллий уюшмасининг ҳозир Вашингтонда ўтказилаётган конференциясида қатнашаётган 2000 га яқин киши Миссисипи штатидаги негрларга нисбатан қилинаётган террор ва зулмга қарши норозилик билдириб, кеча АҚШ юстиция министрлиги биноси олдида намойиш ўтказдилар.

«Миссисипидаги террор тўхтатилсин», «Негрларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш керак», деган плакатларни кўтариб келган намойишчилар юстиция министрлиги биносини ўраб олишди.

Рангли аҳолининг тараққиётига кўмаклашиш миллий уюшмасининг ижрочи секретари Рой Уилкинс бошчилигидаги делегацияси юстиция министри Роберт Кеннеди ҳузурига кириб, унга, гражданлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида курашувчиларнигина эмас, шу билан бирга Миссисипи штатида яшаб турган 985 минг негрни ҳам муҳофаза қилмоқ учун зарур чоралар кўриш кераклигини айтди.

ҲИНДИСТОН САВДО МИНИСТРИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Ҳиндистон савдо министри Манубхай Шах БМТдаги матбуот конференциясида сўзга чиқиб, Шастри ҳукумати «қўшилмаслик масалаларида ҳам, ташқи ёки ички сиёсат масалаларида ҳам Неру сиёсатига тамомила амал қилади», деб айтди.

Савдо ва тараққиёт масалаларига бағишланиб Женевада ўтказилган Халқаро конференцияда Ҳиндистон делегациясига бошчилик қилган Шах Америка билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо-сотиқ масалалари ҳамда конференция қарорларидан келиб чиқадиган проблемалар юзасидан Вашингтонда шу ҳафта бошида музокаралар олиб борди.

Шах Ҳиндистоннинг социалистик мамлакатлар билан савдо муносабатларидан мамнун эканлигини айтди. У, социалистик мамлакатларнинг Женева конференциясига қўшган ҳиссасига, айниқса уларнинг ривожланаётган мамлакатлар билан савдо-сотиқни тобора кенгайтириш тўғрисидаги конкрет ваъдасига юксак баҳо берди.



Польша Халқ Республикасида халқ ҳокимияти йилларида замонавий кемасозлик саноати барпо этилди. Польша кемасозлик корхоналарида умумий юк кўтариш қобилияти 2,1 миллион тонна бўлган қарийб 690 кема қурилди. Суратда: Совет Иттифоқи заказн билан тайёрланган «Брянсклес» теплоходи.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ЦЕЙЛОН ПАРЛАМЕНТИНИНГ СЕНАТ РАИСИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Цейлон парламенти сенатининг раиси Томас Амарасурия рафиқаси ва қизи билан 25 июнда Тошкентга келди.

Аэродромда меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Сахибоев рафиқаси билан, республика Олий Советининг депутати А. П. Қаюмов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. А. Асомов, Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятининг раиси Х. С. Шукурова кутиб олдилар.

Жаноб Амарасурияга ва унинг ҳамроҳларига гулдасталар тақдим этилди.

(ЎзТАГ).

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ. Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221, Пропаганда — 31226. Саноат қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалик — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255; 30256; 30257, 30258.

«Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва «Ҳақиқати Ўзбекистон» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 05727 ИНДЕКС — 64543. № Б — 148.